

ISSN 2181-9521

№ 7-son, 2023



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ТАЛАБЛАРИ

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир. Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан*

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада конституциявий-ҳуқуқий қонунчилик кафолатларини мустаҳкамлаш йўлидаги туб ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида суд ва прокуратура органлари фаолиятига, шунингдек шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишга оид бир қатор конституциявий кафолатлар белгиланди.

Конституцияга киритилган янги ўзгаришлар ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларини, хусусан “Прокуратура тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги қонунларини қайта кўриб чиқишни ҳамда уларни Конституциявий Қонун таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Суд ва прокуратура органлари фаолиятига оид конституциявий кафолатлар кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуни лойиҳасида “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунларига қатор ўзгаришлар киритиш назар-

да тутилган. Хусусан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуни 5- моддасининг иккинчи ва бешинчи қисмларини қуйидаги тартибда таҳрир қилиш таклиф этилган:

**“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши таркиби, шу жумладан, Кенгаш раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланади.**

**Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмас.**

**Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси судьялар орасидан сайланади. Кенгашнинг ушбу аъзоларидан бир нафари Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари орасидан сайланади.**

**Кенгаш котиби ва унинг етти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан сайланади”;**

**олтинчи ва еттинчи қисмлардаги “тасдиқланган” деган сўз “сайланган” деган сўз билан алмаштирилсин.**

Қонун лойиҳасидаги ёрқин ўзгаришлардан бири судлар фаолияти

# ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИДА

билан боғлиқ. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг Судьяларнинг мустақиллиги билан боғлиқ 9-моддасига судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги борасида таъкидлар киритилган ва қўшимча равишда 9<sup>1</sup>-модда билан кенгайтирилган. Унда судьяларнинг алмаштирилмаслиги тамойили ўрин олганки бу тўлиғича халқаро андозаларга мос тушади. Жумладан, 1985 йилда қабул қилинган Суд ҳокимияти мустақиллиги асосий принципларининг 11- ва 12-бандлари ҳамда 1998 йилда қабул қилинган “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартияси 3-бўлимидаги судьяларнинг алмаштирилмаслигига доир қоидалар мустақил одил судловни таъминлашда энг асосий мезон ҳисобланади.

**9<sup>1</sup>-модда. Судьянинг алмаштирилмаслиги**  
**“Судьяни алмаштиришга йўл қўйилмайди.**

**Судья ўз ваколатларини доимий асосда амалга оширади ва ваколат муддати даврида ўзининг розилигисиз бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши мумкин эмас.**

**Судьяларни лавозимга сайлаш, тайинлаш, муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштириш, бошқа лавозимга ўтказиш, судьялик ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра амалга оширилади”.**

Ушбу конституциявий меъёр билан одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг мустақиллиги янада кафолатли таъминланади. Судья ўз ваколат муддати давомида алмаштирил-

маслиги туфайли ҳар қандай ташқи ва ички идоравий таъсирлардан холи, мустақил ва ишонч билан фаолият юритади.

Қонун лойиҳасида назарда тутилган жиҳатлардан яна бири айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ. Айбсизлик презумпцияси жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ шахсни адолатли суд қарорисиз айблашдан ҳимоя қилади ҳамда уни ўзининг айбсизлигини исботлаб бериш мажбуриятидан халос этади.

16-модданинг матнини қуйидаги таҳрирда баён этиш белгиланган:

**“Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунга ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунга қадар, айбсиз ҳисобланади.**

**Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, қамоққа олиниши ва қамоқда сақланиши мумкин эмас.**

**Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки инсон шайни ва кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас”.**

Айбсизлик презумпциясининг конституция билан мустаҳкамланиши судланаётган фуқароларнинг умуминсоний тамойилларга кўра ҳимоя қилиниши ва тергов жараёнида муҳим инсонпарвар қоидалар жорий қилинишини кафолатлайди.

**Навбахор ЭШПҲЛОВА,**

*Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ўқитувчиси.*

**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойкул АЗИЗОВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Бехзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Шаҳбоз САИДОВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-  
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар  
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-  
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда  
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан  
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 27.07.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.

Буюртма № 12. Адади 1300.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“GOLD PRINT PRESS” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 054,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

Чўпон ота кўчаси, 28<sup>а</sup>-уй**МУНДАРИЖА****6****КУН МАВЗУСИ****“СУДЬЯЛАР МУАЙЯН ИШЛАР  
БЎЙИЧА ҲИСОБДОР БЎЛМАЙДИ”****МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ****7****ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСЛОМ МОЛИЯ  
ИНСТИТУТЛАРИ: ВОҚЕЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛАР****9****ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ****ЖИНОЯТНИ ОЧИШ ЖАРАЁНИДА ДАЛИЛЛАР  
МАЖМУИНИ БАҲОЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ****МЕНИНГ ФИКРИМ****12****ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МАНФААТЛАР  
ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ****14****МУЛОҲАЗА****ТАБИАТГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ  
ҚОПЛАШНИНГ МАЗМУНИ ВА ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТИ****16****СИФАТЛИ СУД ҚАРОРЛАРИ — ОДИЛ  
СУДЛОВ ГАРОВИ****19****ИБРАТ****ҚАРЗ ДАФТАРИ****ТАЛҚИН****20****ИСЛОМ ДИНИДА САВДО ФАОЛИЯТИ  
ШАРТЛАРИ ВА ТАҚИҚЛАРИ****22****ШАҲС ВА ЖАМИЯТ****ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚҚА МОС ҲУЛҚ-АТВОРИ  
ТУШУНЧАСИ****ХАЛҚАРО ТАЖРИБА****24****ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ САЙЁҲЛАР  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ  
ТАЖРИБАСИ**

**25**

**МУШОҲАДА**

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚЛАРИ ҲАРБИЙ СУДЛАР  
ҲИМОЯСИДА**

**ТАДҚИҚОТ**

**26**

**ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ИНСТИТУТИ  
– ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИ  
ТАЪМИНЛАНИШНИНГ  
КАФОЛАТИДИР**

**29**

**МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА  
ЗАМОНАВИЙ ИНСТИТУТЛАР ЗАРУРАТИ**

**31**

**ТЎЛОВГА ҚОБИЛЯТСИЗЛИК  
ИНСТИТУТИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД  
АМАЛИЁТИ МУАММОЛАРИ**

**33**

**МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ  
ЮРИТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ:  
ЗАРУРИЯТ ВА ШАРТЛАР**

**СУДЬЯ МИНБАРИ**

**35**

**ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК  
ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ**

**36**

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ –  
ОЛИЙ БУРЧ**

**ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ**

**37**

**МЕДИАЦИЯНИНГ ТАН ОЛИНГАН  
ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛЛАРИ**

**38**

**ЖАЗОНИ ЎТАШ МУДДАТИ ЎТИБ  
КЕТГАНДА УНИНГ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ  
БЎЛАДИ?**

**40**

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАРИ**

**42**

**ИШЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК  
МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ  
ЯНГИЛИКЛАР**

**43**

**МЕРОСНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ НИМА?  
ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШДА МУАММО ВА  
ЕЧИМЛАР**

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ**

**44**

**ОБЗОР ОРГАНИЗАЦИОННО-  
ИНФОРМАЦИОННОГО И МАТЕРИАЛЬНО-  
ТЕХНИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАРЛАМЕНТОВ  
КАЗАХСТАНА И ГРУЗИИ**

**46**

**ТЕМА ДНЯ**

**ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ  
ВОЗМОЖНОСТЕЙ СУДЕБНОЙ  
КОМПЬЮТЕРНО-ТЕХНИЧЕСКОЙ  
ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ  
КИБЕРМОШЕННИЧЕСТВА**

**ПРОЦЕСС**

**50**

**ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ ОБЯЗАТЕЛЬНОМ  
СТРАХОВАНИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

**53**

**МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА**

**ОБЕСПЕЧЕНИЕ КОНСТИТУЦИОННЫХ  
ПРАВ ГРАЖДАН НА СВОБОДУ НА СТАДИИ  
ПОДГОТОВКИ ДЕЛА К СУДЕБНОМУ  
РАЗБИРАТЕЛЬСТВУ**

**IMPORTANT TOPIC**

**56**

**THE ROLE OF MEDIATION IN THE  
SYSTEM OF ALTERNATIVE DISPUTE  
RESOLUTION METHODS**

**61**

**ANALYSIS**

**THE CONCEPT OF GUILT ASSOCIATED  
WITH THE CRIME AND THE COMPOSITION  
OF THE CRIME**

## “СУДЬЯЛАР МУАЙЯН ИШЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБДОР БЎЛМАЙДИ”

**Ўзбекистон Республикасининг “Суд ва прокуратура органлари фаолиятига оид конституциявий кафолатлар кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасида “Судлар тўғрисида”ги қонунга ўзгаришлар киритиш назарда тутилган. Жумладан, судьянинг бошқа органлар ва шахслардан холи бўлишини таъминлаш мақсадида судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги тартиби қатъий ўрнатилмоқда.**

Бундан нимани англаш мумкин? Келинг, аввало “ҳисобдор” сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратамиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ҳисобдор” сўзига ҳисоб берувчи, ўз ишлари ҳақида бирор кимса ёки ташкилотга ҳисобот бериб турадиган шахс маъноларида таъриф берилган. Бундан англашиладики, судьялар ўзларининг чиқарган қарорлари юзасидан ҳеч кимга ҳисоб беришга мажбур эмаслар. Адолатли қарор чиқарганлари, бирон бир зўравоннинг айбини тўғри баҳолагани ёки бой ташкилотнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйгани учун юқори ташкилотга ёинки раҳбарларга ҳисобот бермайди. Ундан фақат ўзининг виждонигина ҳисоб сўраши мумкин.

**Шунингдек, қонун лойиҳасида 9-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши белгиланган:**

**«Судьялар мустақилдир, фақат Конституция ва қонунга бўйсунди. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди»;**

**5) қуйидаги таҳрирдаги 9<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:**

**«9<sup>1</sup>-модда. Судьянинг алмаштирилмаслиги**

**Судьяни алмаштиришга йўл қўйилмайди.**

**Судья ўз ваколатларини доимий асосда амалга оширади ва ваколат муддати даврида ўзининг розилигисиз бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши мумкин эмас.**

**Судьяларни лавозимга сайлаш, тайинлаш, муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштириш, бошқа лавозимга ўтказиш, судьялик ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра амалга оширилади.**

суди тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 13-моддасида бор. Унда «Конституциявий суднинг судьяси ўз ваколатлари муддати давомида алмаштирилмайди. Конституциявий суд судьясининг ваколатлари ушбу Қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмас» деб белгиланган. Эндиликда мазкур тамойил “Судлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш киритиш йўли билан мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, бундай меъёрнинг киритилишига халқаро ҳужжатлар, хорижий давлатлар қонунчилиги ҳам асос бўлган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида «ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эга»лиги қоида тарзида акс этган. Бундан ташқари, 1985 йилда қабул қилинган Суд ҳокимияти мустақиллиги Асосий тамойилларининг 11 ва 12-бандларида ҳамда 1998 йилги Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартияси 3-бўлимидаги судьяларнинг алмаштирилмаслигига доир қоидалар мустақил одил судловни таъминлашдаги энг асосий мезонларидан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, Испания, Хорватия, Португалия, Греция қонунларида ҳам шундай мазмундаги қоидалар бор.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда судьялар мустақиллигини таъминловчи муҳим қадам сифатида судья лавозимида бўлишнинг биринчи маротаба беш йиллик, навбатдаги ўн йиллик ва муддатсиз даври белгиланган. Шу билан бирга, судьялар ўз ваколати муддатида алмаштирилмаслиги уларнинг одил судловни амалга оширишда мустақил ва холис бўлиши кафолати ҳисобланади. Судья ўз ваколат муддати давомида алмаштирилмаслиги тўғрисида ҳар қандай ташқи ва ички идоравий таъсирлардан холи, мустақил ва ишонч билан фаолият юритади.

Мазкур меъёрга ҳамоҳанг қоидалар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий

**Дилмурод ДАВЛЕТОВ,**  
Қўнғирот туман иқтисодий суди судьяси.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСЛОМ МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ: ВОҚЕЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛАР

*Дин ва эътиқод масалалари инсон маънавиятининг узвий қисми ҳисобланади. Уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур ва асосланган билимларга эга бўлиш ҳаётий-амалий фаолиятни тўғри ташкил этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, эътиқодий тушунчаларни таҳқирлаш, менсимаслик шахснинг табиий, шахсий ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлади.*

Республикамызда виждон эркинлигини ҳуқуқий ҳимоя қилувчи дастлабки қонуннинг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 90-йилларига тўғри келади. Хусусан, Ўзбекистон тарихида “дин-афюндир” шиорини маҳкам тутган шўро тузуми ҳали ўз кучини йўқотмаган даврда — 1991 йил 14 июнда илк бор 30 моддadan иборат “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Виждон эркинлиги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда эътироф этилган ва мутлақ кўпчилик давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган инсоннинг табиий-шахсий ҳуқуқларидан биридир. Унда биринчи марта виждон эркинлигига қонуний таъриф берилди: виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямызда “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деган ҳуқуқий норма белгиланган (31-модда). Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида ҳам ушбу муносабатлар айни шу шаклда ўз аксини топди (35-модда). Дарҳақиқат, янгиланган Конституцияда ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этиш учун энг муҳим жиҳатлардан бири бўлган ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик, шахсий дахлсизлик, фикрлаш, сўз, эътиқод ва виждон эркинлиги каби ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Ушбу кафолатлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1948 йили қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 18-моддасида ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир, деб таъкидланган. 1966 йили қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 18-моддасида “Бирор одам ҳам ўз ихтиёри билан ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки уларни қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳатти-ҳаракатларга дучор бўлмаслиги керак”, деб кўрсатилган.

Шунингдек, мустақиллик йилларида кўп сонли диндорларнинг хоҳиш-истакларига кўра, Республикамыз худудида 1917 йилги давлат тўнтаришидан олдин диний объект сифатида қайд этилган иншоотлар яна диндорларга қайтариб берилди. Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлари, Рус Православ

черковлари ва улардан ташқари Тошкент (1992 йил) ва Самарқанд (1997 йил) шаҳарларидаги католик черковлари, Тошкент (1993 йил) шаҳридаги лютеран черкови ҳамда Самарқанд (1992 йил) шаҳридаги арман апостоллик черковининг ҳашаматли бинолари эндиликда диндорлар учун хизмат қилмоқда.

1998 йил 1 майда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 23 моддadan иборат янги таҳрири қабул қилинди. Уни ишлаб чиқишда мамлакатимизнинг ўзига хос шароити, унда яшовчи кўп миллатли халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда менталитети ҳисобга олинди. Қонуннинг асосий мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат эди. Қонуннинг 3-моддасида “Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин”лиги белгиланган. Бу норма Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт (1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк)нинг 18-моддаси 3-бандига тўлиқ мос тушади. Унда белгиланишича, “Дин ёки эътиқод эркинлигига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини, шунингдек бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар белгиланиши мумкин”.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 35 моддadan иборат қонуни амалда соҳавий муносабатларни тартибга солувчи учинчи авлод қонуни бўлди. Мамлакатимизда диний бағрикенгликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Аҳолининг 95 фоизидан кўпроғи Ислom динига эътиқод қилувчи мамлакатимизда Ислom нафақат дин, балки юксак маънавий-руҳий ҳазина манбаи ҳамдир.

Ана шундай тарихий жараёнларда Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда илғор халқаро тажрибани татбиқ этиш муҳим омил саналади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Ислom тараққиёт банкига аъзоли-

гини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз томонидан Халқаро Ислон савдо-молия корпорациясини таъсис этиш тўғрисида (2006 йил 30 май) ва Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш Ислон корпорациясини таъсис этиш тўғрисида (1992 йил 19 февраль) Битимлари қабул қилинди.

Ислон тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан шериклик янада кенгайтирилмоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида “Trastbank”-нинг Ислон шариатлари асосида молиявий хизмат кўрсатадиган “Trast Muamalat” компанияси ўз фаолиятини бошлади. 2019 йил 22 август куни “Trastbank” хусусий акциядорлик банки ва Хусусий Секторни Ривожлантириш бўйича Ислон Корпорацияси (ICD) ўртасида “Маслаҳат ёрдами тўғрисида”ги шартнома имзоланди. Унга кўра, банк тизимига “Ислон дарчаси” хизматларини жорий этиш режалаштирилмоқда. Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун ICD-нинг тавсиясига биноан “Трастбанк” ХАБ етакчи Ислон банкининг дастурий таъминот компанияларидан бири Иорданиянинг ICS Financial Systems компанияси билан шартнома тузди. Дастурий таъминотнинг имкониятлари ва функционалигини ўрганиш мақсадида ICSFS мутахассислари банк ходимлари учун уқ ойлик амалий машғулотлар ўтказдилар.

2023 йил 10 январь куни “Trastbank” хусусий акциядорлик банки шўъба лизинг компанияси – “Trast Muamalat” масъулияти чекланган жамиятининг очилиш маросими бўлиб ўтди. “Trast Muamalat” МЧЖнинг асосий вазифаси – амалдаги қонунчилик доирасида самарали “Мурабаҳа (Насия савдо)” ва “Ижара (Лизинг)” операцияларини амалга ошириш орқали молиявий хизматларни кенгайтириш стратегиясини амалга ошириш, шунингдек халқаро Ислон молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Савдони молиялаштириш халқаро Ислон корпорацияси билан пахта хом ашёсини етиштириш харажатларини ва якуний ҳисоб-китобларни молиялаштириш учун 14 ойгача бўлган муддатга йиллик LIBOR + 1,4 фоиз ставкасида 100 миллион АҚШ долларигача миқдордаги кредитни 2 та транш орқали ажратиш бўйича келишувга эришилди.

Илғор хорижий тажриба, шунингдек соҳа фаолиятига давлат бюджети маблағлари, хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари, ҳомийлик хайриялари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар жалб қилинаётгани айни дамда бир қатор масалаларни муҳокамага қўйиш истиқболли эканини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 116-моддасига кўра, қонунчиликнинг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бундай асосларга кўра битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нар-

сани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, дунёвий қонунлар руҳида диний қадриятларни уйғунлаштириш керак. Масалан, Қирғизистон Республикасининг ФКда Ислон шартномаларининг 17 та конструкцияси мавжуд. Фикримизча, миллий қонунчилигимизга Ислон молияси институтларини сингдириш мавриди келди. Хусусан, тайёрланган Фуқаролик кодекси лойиҳасида қарз бўйича фоизлар шартномада назарда тутилган ҳоллардагина амал қилади, деган қондани мустаҳкамлаш лозим;

махрни никоҳ шартномасига киритиш;

дунёвий ва диний қадриятларга риоя этилишини ижобий ҳолат деб баҳолаш шулар жумласидандир.

**Омонбой ОҚҲУЛОВ,**

*ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими, юридик фанлар доктори, профессор,*

**Миродил БАРАТОВ,**

*ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил, 8-сон, 186-модда. URL.: <https://lex.uz/docs/65044>.
2. Халқ сўзи. 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон. URL.: <https://lex.uz/docs/20596>.
3. Азизов Н.П. Отражение личных прав и свобод человека в программных документах политических партий Туркестана в начале XX века // Проблемы Науки. 2017. №31 (113). –С.40-43. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otrazhenie-lichnyh-prav-i-svobod-cheloveka-v-programmnyh-dokumentah-politicheskikh-partiy-turkestana-v-nachale-hh-veka>.
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Савдони молиялаштириш халқаро Ислон корпорацияси маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 845-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 09/19/845/3860-сон.
5. А. А. Туляганов. Ўзбекистон Конституцияси: яратилиш тарихи, тараққиётга эришишдаги аҳамияти ва янги Ўзбекистонни барпо этишдаги роли // Academic research in educational sciences. 2022. №7. 114-6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-konstitutsiyasi-yaratilish-tarichi-tara-iyotga-erishishdagi-amiyati-va-yangi-zbekistonni-barpo-etishdagi-rol-i> (дата обращения: 15.06.2023).
6. Президентимизнинг “Ислон тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги ПҚ–5246-сон қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.09.2021 й., 07/21/5246/0893-сон); “Ислон тараққиёт банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги ПҚ–242-сон қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2022 й., 07/22/242/0409-сон).
7. Tashkulov D. Legal Guarantees of Freedom of Conscience under the Newly Adopted Law of the Republic of Uzbekistan “On Freedom of Conscience and Religious Organizations” // Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. 2022. Т.3. –№.12. –С.210-216.
8. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 йил, 03/23/837/0241-сон. URL.: <https://lex.uz/docs/6445145>.

# ЖИНОЯТНИ ОЧИШ ЖАРАЁНИДА ДАЛИЛЛАР МАЖМУИНИ БАҲОЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ



**Тохиржон ЖҲРАБЕКОВ,**  
ИИБ Академияси  
Жиноят-  
процессуал  
ҳуқуқ кафедраси  
ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноятни фош қилиш жараёнида далиллар мажмуини баҳолаш тушунчаси илмий ва қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, далиллар мажмуини баҳолаш бўйича етакчи олимларнинг фикри, шунингдек айрим хорижий давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигида далилларни баҳолаш қиёсий ҳуқуқий ўрганиш натижаларининг илмий-назарий таҳлиллари келтирилган. Таҳлил ва тадқиқотлар натижаларига кўра миллий қонунчиликда ижобий тажрибани жорий этиш, далиллар мажмуини баҳолаш бўйича процессуал қоидаларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар киритилган.

**Калит сўзлар:** жиноят процессида далил, далилларни баҳолаш, исбот қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судья, алоқадорлик, мақбуллик, ишончлилик, етарлилик.

**Далиллар мажмуи исбот қилишда катта аҳамиятга эга. Исбот қилишни амалга оширувчи субъектлар жиноят иши бўйича қарор чиқаришдан олдин ҳар бир далилга алоҳида баҳо берадилар, ишдаги тўпланган далилларнинг мажмуига эса ЖПКнинг 82-моддасида кўрсатилган айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларнинг етарлилиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулчилиги оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 13-бандига кўра агар қўшимча далиллар тўплаш имконияти бўлмаса, суд процессуал қонун талабларига риоя этган ҳолда тўпланган далиллар мажмуига асосланиб иш бўйича қатъий қарор қабул қилиши лозим. Пленум қарорининг 16-бандида эса далилнинг мақбулчилиги оид масала маслаҳат хонасида (алоҳида хонада) келиб чиққан тақдирда, суд далилни мақбул эмас деб топиб, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида асослантилган қарор қабул қилиши ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатиши лозимлиги белгиланган.

**Айрим ривожланган чет давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида далиллар мажмуини баҳолаш мезонларига оид қуйидаги қоидалар мавжудлигини кузатиш мумкин:**

1) далиллар мажмуи – ишни ҳал қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади (Арманистон ЖПК 127-м. 1-қ., Туркменистон ЖПК 136-м. 1-қ.);

2) тўпланган барча далилларнинг мажмуи – жиноят ишини ҳал қилиш учун етар-

лилиги нуқтаи назаридан баҳоланади (Россия Федерацияси ЖПК 88-м. 1-қ.);

3) далиллар мажмуи – дастлабки терговни тамомлаш ва жиноят иши бўйича суд муҳокамасини ҳал қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади (Беларусь ЖПК 105-м. 1-қ.);

4) далиллар мажмуи – далилларнинг таққослана олиши нуқтаи назаридан баҳоланади (Молдова ЖПК 101-м. 1-қ.);

5) жиноий тақиб бўйича тўпланган барча далиллар – уларнинг мажмуи айбловни ҳал этиш учун етарлилиги бўйича баҳоланади (Озарбайжон ЖПК 145-м. 1-қ.);

Аксарият давлатларда фақатгина далилларнинг етарлилиги далиллар мажмуини баҳолаш мезони сифатида белгиланган.

Илмий адабиётларда далиллар мажмуини баҳолашнинг мезонларига оид турли фикрлар илгари сурилган.

Б.Т. Акрамходжаевга кўра далилларнинг процессуал қарор қабул қилиш учун етарлилиги баҳоланади. Я.В. Жданованинг таъкидлашича далилларнинг жиноят иши бўйича муҳим процессуал қарорлар ва ишончли хулосалар қабул қилиш учун етарлилиги баҳоланади.

Далилларнинг етарлилиги далиллар мажмуини баҳолашнинг асосий мезони сифатида эътироф этилган. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда қайд этиш лозимки, ЖПКнинг далилларни баҳолаш тушунчасига тавсиф берилган қисмида далиллар мажмуини баҳолаш мезонлари белгиланмаган.

Қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқни бартараф этиш мақсадида, ЖПК 95-моддаси биринчи қисмини “Жиноят иши бўйича тўпланган, текширилган ва баҳоланган далилларгина айблаш ва ҳукм



қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак”, деган жумла билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Далиллар мажмуини баҳолашда далилларнинг турлари ўзига хос хусусиятга эга: далиллар ўзидаги маълумотларни сақлаб қолиш хусусиятига кўра ашёвий далиллар, ҳужжатлар, ёзма далиллар каби қуйидаги турларга бўлинади.

**Ашёвий далиллар** – ўзирланган ва олиб кетилган нарсалар, жиноят қуроли, жиноят воситаси, жиноят излари.

**Ҳужжатлар** – маълумотномалар, шахсни тасдиқловчи ва тавсифловчи ҳужжатлар, диплом, сертификат, ордер, лицензия, кадастр ҳужжатлари, шартнома, битим, юк хатлари, ишончномалар, гувоҳномалар, шаҳодатнома, аттестат, қайд қилиш журналлари, ариза, билдирги, мурожаат, далолатнома.

**Ёзма далиллар** – эксперт хулосаси, тафтиш далолатномаси, тушунтириш хати, хатлар, тилхатлар, белгили ёзувлар, газета, журнал, мақола, эълон, афиша, қўлёзмалар, чизмалар, режалар, йўл хариталари.

Бундан ташқари, тергов ҳаракатлари баённомаси ва суд мажлисининг баённомалари ҳам далил ҳисобланиб, уларни юқорида кўрсатилган таснифларга қўшиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, ушбу баённомаларда ҳужжатлардан бошқа юқорида кўрсатилган барча далиллар процессуал расмийлаштирилади.

Юқорида келтирилган далилларнинг маълумотларни ўзгартириш имконияти мавжудлигига, шунингдек далилда акс этган маълумотларнинг аҳамияти ва ҳажмига кўра юқори аҳамиятли ёки камроқ аҳамиятли мезонларга ажратилганлиги, бизнингча, уларнинг мажмуини баҳолашда тўғри қарорга келиш учун хизмат қилади. Шу боис, назарий жиҳатдан далилларни аҳамиятига қараб ажратиб олиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят ишларини юритишда далилнинг алоқадорлигига баҳо бериш билан боғлиқ муаммолар деярли кузатилмайди. Далилдан ишда фойдаланиш учун унинг мақбуллигини таъминлаш зарур, чунки тўпланган айрим далиллар-

га баҳо беришда у мақбул эмас деб топилиши мумкин. Далилларга баҳо беришда уларнинг мақбуллик талабига жавоб беришини аниқлаш далилларнинг мажмуини баҳолашга таъсир қилади. Агарда тўпланган далилнинг мақбуллигига шубҳа туғилса ва ушбу вазиятда далиллар мажмуининг етарлилиги таъминланмай қолиши мумкин бўлса, ўша далилнинг қайси манбадан олинганлигига қараб уларни қайта тўплашнинг имкони бор ёки йўқлиги аниқланиши ва маълумотларни қайтадан тўплаш чоралари кўрилиши зарур.

Далиллар мажмуини баҳолашда юзага келадиган асосий муаммо далилнинг ишончилигига баҳо бериш жараёнида кузатилади. Шунга кўра ЖПК 82-моддасининг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган ҳолатларни исботловчи далилларни баҳолашда, аввало унинг ишончилигига эътибор қаратиш зарур. Далилнинг ишончилигини аниқлашда ҳар бир далилнинг туридан келиб чиқиш уни текшириш натижаларига эътибор қаратиш зарур.

ЖПК 82-моддасининг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган ҳолатлар исботлаш учун етарли бўлмаса яна бошқа мустақил манбалардан олинган далиллар билан ҳам уларнинг мажмуига баҳо бериш талаб этилади. Бунда фақатгина кўрсатувлар эмас, балки бошқа турдаги далиллар мажмуи ҳам баҳоланиши лозим ва икки хил мазмундаги бир-бирига қарама-қарши далилнинг қайси бири ишончли эканлигини аниқлаш учун ўтказилган қўшимча тергов ҳаракатлари натижаларидан ташқари камида яна бир мустақил манбадан тўпланган далил айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларни тасдиқласагина бунда далиллар мажмуи ЖПК 82-моддасининг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган ҳолатларни исботлаш учун етарли деб топилиши мумкин.

Ишда тўпланадиган ашёвий далиллар одатда фақат айблаш ва ҳукм қилиш характеридаги маълумотларга эга бўлади. Аксинча, ҳолатларни тасдиқловчи ашёвий далиллар одатда тўпланмайди. Шу боис ашёвий далил мазмунига зид бўлган, шахсининг жиноят содир этилишида алоқаси йўқлигини кўрсатувчи кўрсатувлар мавжуд бўлганда, яъни ашёвий далил, кўрсатма ёки ҳужжат мазмунан бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолганда ушбу қарама-қаршиликни бартараф этиш учун ўтказиладиган қўшимча тергов ҳаракатининг натижалари агарда ашёвий далилнинг мазмуини тасдиқлайдиган бўлса, ушбу ҳолатда далиллар мажмуи айблаш учун етарли деб ҳисобланиши мумкин. Чунки, юқорида таъкидланганидек ашёвий далиллар мазмуни ундаги маълумотларни ўзгартириш имкониятларининг жуда камлиги боис юқори аҳамиятли далил ҳисобла-

нади. Худди шунингдек, ҳужжатлар ва эксперт хулосаси ҳам ишончилиги юқорилиги нуқтаи назаридан қўшимча яна битта далил мавжуд бўлганда уларнинг мажмуини айблаш учун етарли деб ҳисоблаш мумкин.

Фотосурат, видео ва овозли ёзув шаклидаги маълумотлар ёки ушбу далиллар мазмунига зид бўлган қарама-қарши мазмундаги бошқа далиллар мавжуд бўлганда, уларнинг ишончилигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари натижасида фотосурат, видео ва овозли ёзув шаклидаги маълумотлар ёки далилларнинг мазмуни ишончилиги тасдиқланадиган бўлсада, ушбу ҳолатларда ҳам далиллар мажмуини етарли деб топиш мумкин эмас. Фотосурат, видео ва овозли ёзувларда акс этган маълумотлар одатда ўзида жуда катта ҳажмдаги маълумотларни жамлайди ҳамда улардан келиб чиққан ҳолда исбот қилишни амалга оширувчи мансабдор шахслар фотосуратда акс этган жойни кўздан кечириши, у жойдан ишга алоқадор қўшимча далиллар тўплаши, фотосурат, видео ва овозли ёзувларни тегишли экспертизалардан ўтказиши ҳамда унинг натижалари бўйича яна бир қатор далиллар мажмуини тўплаши мумкин бўлиб, далилларнинг етарлилиги масаласини ҳал қилиши мумкин. Аммо, тергов жараёнида фақатгина фотосурат, видео ва овозли ёзувларгагина асосланиб айб эълон қилинган ҳолатларда бундай тартибда асослантилган қарорлар далиллар мажмуининг етарлилиги талабига жавоб бермайди. Шу боис бундай вазиятларда қўшимча далиллар тўпланиши шарт ҳисобланади. Ҳар қандай фотосурат, видео ва овозли ёзувлар (магнит тасма, плёнка ёки электрон рақамли ташувчи) учун тегишли экспертиза тайинланиши ва эксперт тадқиқоти натижалари бўйича хулосалар олиниши шарт ҳисобланади. Эксперт тадқиқоти натижаларига кўра фотосурат, видео ва овозли ёзувларнинг ишончилигига баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

Жиноят ишларини юритиш мобайнида баъзида субъектив ва объектив сабабларга кўра етарли бўлган далиллар мажмуини тўплаш имкони бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин, исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилиши таъминлаш учун ҳам ушбу вазиятларда жиноят-процессуал қонунчиликда боши берк кўчага кириб қолинганда ундан чиқиш йўналишлари ҳам кўрсатиб берилиши мақсадга мувофиқ.

Далиллар мажмуига баҳо беришда агарда далиллар етарли эмас, деб топиладиган бўлса ва жиноят ишини тергов қилишда қўшимча далиллар тўплаш имконсиз бўлиб қолса ёки жуда кўп вақт ёхуд харажатларни талаб қилса,

бундай вазиятларда жиноят ишини ҳал этишнинг соддалаштирилган тартибда иш юритиш мумкинлиги алоҳида тарзда исбот қилишнинг умумий шarti сифатида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Далиллар мажмуига баҳо бериш натижаларига кўра далиллар етарли эмас деб топиладиган вазиятларда ишни ҳал қилиш учун ярашув ёки келишув асосида ва бошқа соддароқ тартибда иш юритиш асосида жавобгарликни енгиллаштирувчи чораларни қўллаш мумкин бўлган тартибда иш юритиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят ишларини қонуний, асосли ва адолатли ҳал этишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилиши учун далиллар мажмуига баҳо бериш, шунингдек далиллар мажмуининг айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли эмаслиги ҳолатларининг қонунчиликда белгилини муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қоидалар қонунчиликда ўз аксини топиши келгусида одил судловни таъминлашга муносиб хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года (По состоянию на 30.03.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spininform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 25.01.2019).
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 08.01.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spininform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 22.07.2023).
3. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года (По состоянию на 01.12.2017) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spininform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: дата обращения: 22.07.2023).
4. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (По состоянию на 30.10.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spininform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 22.07.2023).
5. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 23.03.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spininform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 22.07.2023).
6. Жданова Я.В. Проблемы вероятного и достоверного в уголовно-процессуальном доказывании и их влияние на принятие отдельных процессуальных решений следователем: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ижевск, 2004. – С. 7-11.
7. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (По состоянию на 09.06.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spininform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 22.07.2023).
8. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик // Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Д. Камалходжаев, В.В. Кадирова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 126-127.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори // <http://lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (22.07.2023 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

## АННОТАЦИЯ:

*ушбу мақолада манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг олдини олиш бўйича БМТ доирасида амалга оширилган ишлар, “Коррупцияга қарши БМТ конвенцияси”, “Мансабдор шахсларнинг халқаро хулқ-атвор кодекси”, БМТТД бўйича амалга оширилган ишлар ва ОЭСД томонидан ишлаб чиқилган таклифлардан келиб чиқиб прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириши масалалари бўйича айрим таклифлар илгари сурилган.*

**Калит сўзлар:** манфаатлар тўқнашуви, коррупция, мансабдор шахс, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, хулқ-атвор кодекси

**Прокуратура тизимининг яхлитлигида ва мафаатлар тўқнашувидан холи бўлган прокуратура органи ходими муҳим роль ўйнайди. Прокуратура ходимининг айбдорларни жавобгарликка тортиш, айбсизларни ҳимоя қилиш, жабрланувчилар ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш қобилияти коррупция ва манфаатлар тўқнашувидан холиликни талаб қилади.**

Касбнинг кадр-қиммати ва шаънини ҳимоя қилиш ҳамда жамоатчилик ишончини сақлаб қолиш учун зарур бўлган юқори профессионаллик талабларига ва холисликка риоя қилувчи ходимлар манфаатлар тўқнашуви бўйича халқаро стандартларни, халқаро ташкилотлар томонидан берилган тавсияларни, касбий хулқ-атвор қоидаларини, шу жумладан тегишли суд амалиёти, низом ва ахлоқий қоидаларни билишлари керак.

Шунга кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияга қарши Конвенциясининг 7-моддаси давлат секторида коррупциянинг олдини олишга қаратилган. Бу мамлакатлардан давлат секторида коррупциянинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни, шу жумладан, давлат мансабдор шахсларининг хулқ-атвор кодексларини, молиявий ва бошқа ҳисобот талабларини, давлат молиясини бошқаришда ошкоралик ҳамда ҳисобдорликни оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва қўллаб-қувватлашни ҳамда иштирокчи давлатлар қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ шаффофликни таъминлайдиган ва манфаатлар тўқнашувининг олдини оладиган тизим яратиш ҳамда мустаҳкамлашга интилиши кераклиги билан боғлиқ қоидалар киритишни талаб қилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу модданинг 4-бандида ҳар бир иштирокчи давлат ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ ошкораликни таъминлашга хизмат қиладиган ҳамда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини оладиган тизимларни

яратиши, қўллаб-қувватлаши ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилиши белгилаб қўйилган. Хусусан, бундай шахслар оммавий вазибаларни тўғри, виждонан ва тегишли даражада бажариш талабларига жавоб беришлари учун маърифий ўқув дастурларни амалга оширишга кўмаклашадилар ҳамда коррупция ва ўз вазибаларини бажариш билан боғлиқ бўлган манфаатлар тўқнашуви хавфини чуқурроқ англашлари учун улар ихтисослашган ҳамда мувофиқ тайёргарликдан ўтишларини таъминлайдилар.

Бундан ташқари, прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувига қарши курашда Истанбул ҳаракатлар режасининг аҳамияти катта ҳисобланади. Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги доирасида 2019 йил қабул қилинган Ўзбекистон бўйича ҳисоботи фикримизнинг исботидир. Унда прокуратура органларида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг олдини олишда тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, прокуратура органлари фаолиятининг очиқлиги, уларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлаш, прокурор фаолиятини баҳолаш, ходимларни манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш каби масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, прокуратура фаолиятининг ваколатлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда прокурорларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда ҳал қилишнинг батафсил қоидаларини белгилаш, прокуратура органлари ва муассасаларининг прокурорлари ва бошқа ходимларига манфаатлар тўқнашуви, мол-мулк ҳамда манфаатлар декларацияси, хулқ-атвор қоидалари ва коррупцияга қарши бошқа чекловлар бўйича тавсиялар бериш механизмини амалда қўллаш ва улар учун махсус ишлаб чиқилган ушбу масалалар бўйича амалий қўлланмалар, услубий ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ҳамда тарқатиш, прокурорларнинг ахлоқ қоидалари, яхлитлиги ва

коррупциянинг олдини олиш бўйича мунтазам амалий машғулотлар ҳамда малакасини оширишни таъминлаш, шунингдек амалий йўналишга эга бўлган тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш тавсиялари эълон қилинган. Мазкур тавсияларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг хизмат давомида ва хизматдан ташқари вақтларда риоя қилиши лозим бўлган Касб одобномаси ишлаб чиқилган.

Манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг олдини олиш бўйича БМТ доирасида амалга оширилган ишлардан Коррупцияга қарши БМТ конвенцияси, Мансабдор шахсларнинг халқаро хулқ-атвор кодекси, БМТТД бўйича амалга оширилган ишлар, ОЭСД томонидан ишлаб чиқилган таклифлардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш самарадорлигини ошириш учун маълум бир босқичлар ишлаб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Хусусан:

- ➔ прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи омилларни барвақт аниқлаш ва уларни таҳлил қилиши;
- ➔ прокуратура органларининг манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш;
- ➔ манфаатлар тўқнашувига алоқадор идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш ва ижросини таъминлаш;
- ➔ ички меъёрий тартиб-қоидаларга ёки манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш қоидаларига риоя қилмаган ходимларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш;
- ➔ ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш.

**Бундан ташқари прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш борасида ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш прокуратура органлари ходимларининг яхлитлиги ва ҳолислигини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Бу борада ҳал қилиниши мумкин бўлган баъзи асосий масалалар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:**

➔ манфаатлар тўқнашувининг аниқ таърифини бериш. Прокуратура доирасида манфаатлар тўқнашувининг аниқ ва ҳар томонлама таърифини ўрнатиш муҳимдир. Ушбу таъриф прокуратура қарорларининг холислиги ва адолатлилигига таъсир қилиши мумкин бўлган шахсий, молиявий,



оилавий ёки касбий муносабатлар каби низолар келиб чиқиши мумкин бўлган турли вазиятларни қамраб олиши керак;

➔ хулқ-атвор ва ахлоқ кодексларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишни кенг ва тўлиқ ёритиш. Прокуратура ходимлари учун махсус ишлаб чиқилган мустаҳкам ахлоқ кодекси прокурорларга потенциал манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва ҳал қилишда кўрсатма бериши мумкин. Кодексда ахлоқий меъёрлар, ошкор қилиш талаблари, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича махсус тармоқни белгилаш, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва бошқариш механизмлари кўрсатилиши керак;

➔ манфаатлар тўқнашуви ошкор қилиш механизмларини аниқ тушунтириш. Прокурорлар учун ҳар қандай потенциал манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш механизмларини яратиш жуда муҳимдир. Бу прокурорларга манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай шахсий ёки профессионал муносабатлар ҳақида мунтазам равишда хабар бериш талабини ўз ичига олиши мумкин. Ушбу тушунтиришлар мустақил орган томонидан қайта кўриб чиқиш ёки кейинги ҳаракатлар зарурлигини баҳолаш учун кўриб чиқилиши керак;

➔ манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар берувчини ҳимоя қилиш.

Прокуратура ичидаги хабар берувчиларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва ҳал қилиш учун жуда муҳимдир. Хабар берувчиларни уларга нисбатан турли тазйиқлар ва босимлардан ҳимоя қилиш ва уларни потенциал манфаатлар тўқнашуви ёки қонунбузарликлар ҳақида хабар бериш учун хавфсиз ва махфий канал билан таъминлаш учун мустаҳкам механизмлар мавжуд бўлиши керак.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш орқали прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш борасида ташкилий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мумкин, бу эса мамлакатимизда прокуратура органларига нисбатан жамоатчилиқнинг ишончи ошишига ва уларнинг яхлитлиги ва адолатлилигига олиб келади.

**Исломбек ХАЛИМОВ,**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура босқичи тингловчиси.



**Жуманазар  
ХОЛМУМИНОВ,**

Термиз давлат университети Юридик факультети декани, юридик фанлар доктори, профессор

## ТАБИАТГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ МАЗМУНИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

*Конституциямизнинг 66-моддасида, “Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак”, – деб кўрсатилган. Бундай ҳимоянинг ҳуқуқий усулларидан бири эса, табиатга етказилган зарарни тўлашдан иборат бўлиб, акс ҳолда фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка тортишга асос бўлади.*

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарар оқибатида намоён бўлади. Фуқаровий-ҳуқуқий (мулкий) жавобгарликка тортишдан мақсад, экология соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган моддий ва маънавий (мулкий) зарарларни ўз вақтида қоплашдир. Етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган.

Экология соҳасида фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш учун қуйидаги шартлар бўлиши керак: а) етказилган зарарнинг мавжудлиги; б) айбнинг бўлиши; в) ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қонунга (ҳуқуққа) хилофлиги; г) зарар охири зарурат ва зарурий мудофаа туфайли етказилган бўлса, ушбу ҳолатлар ҳисобга олиниб, суд томонидан жазо чорасини белгилаш.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос томони шундаки, субъектнинг экология соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уни етказилган зарарни ўз вақтида тўлаш ёки қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шунинг учун ҳам экология ҳуқуқида фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик давлатнинг экологик манфаатини, экологик талабларни, экологик қонунларни, субъектлар ёки мулк эгалари етказган экологик зарарни қоплаш ҳамда мазкур соҳадаги барча ҳуқуқий нормаларни бажаришига қаратилгандир. Ушбу талаб, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 48, 49 ва 51, 52-моддаларида батафсил ёритилган. Экология соҳасида фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги ҳолларда намоён бўлиши мумкин:

1) табиат бойликларидан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш талаблари ва қонунларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни қоплаш, тўлаш, қайтариш. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (86–88-модда), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (25-модда), “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги (47-50-модда), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун (117-118-модда) ларида батафсил кўрсатилган;

2) Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлиқдир, ушбу объектларни олди-сотди, ҳада

қилиш, гаровга қўйиш ва айирбошлашга рухсат этилмайди. Қилинаётган барча ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаслиги керак ва тузилган ҳар қандай битим Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун талабларига мос келиши лозим (Фуқаролик кодекси, 113-128-модда);

3) табиат бойликларидан фойдаланишда экология тизимидаги субъектлар қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, ўзлари етказган зарарни ҳам қоплашлари шарт. Масалан, корхона, муассаса, ташкилот чиқарган зарарли чиқитлари билан атмосфера ҳавосини ифлослантириши, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини бузиши мумкин.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексида мажбуриятларни бажармаслик ва бузиш учун ҳам жавобгарлик кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни тўлиқ бажариши учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини (жумладан, экология соҳасида ҳам) исботласа, у айбсиз деб топилади. Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади. Гайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли экология тизимида, шунингдек юридик шахсга, етказилган зарарни экологик зарар етказувчи тўлиқ ҳажмда қоплаши лозим.

Қонун ҳужжатларида ёки шартномада, жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари, товон тўлаш мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим ва ҳоказо. Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик (жиноят)лар натижасида етказилган зарар асосан икки шаклда намоён бўлади.

1) *Иқтисодий-экологик зарар. Ушбу шаклда табиат захираларидан фойдаланувчи субъектларнинг мулки ҳамда даромадларига зарар етказилади.*

2) *Экологик-ҳуқуқий зарар. Бундай зарарнинг хусусияти шундаки, ер-сувни ифлослантириш, ер ва бошқа табиат объектларини яроқсиз ҳолга келтириш, ўрмонлар (дарактлар)ни қирқиш, атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади.*

Шуниси эътиборлики, экология соҳасида томонлар шартнома мажбуриятларини бузганда ҳам фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилиши мумкин. Экология соҳасида шартнома тузиш фуқаровий-ҳуқуқий битимларнинг турларидан бири ҳисобланади, у икки ёки кўп томонлама бўлади. Шунинг учун ҳам шартнома экология соҳасида мажбуриятлар пайдо бўлишининг энг муҳим асосларидан биридир.

Бундай шартномалар ёзма ёки оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Экология соҳасидаги халқаро шартнома мажбурияти билан боғлиқ масалалар “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа экологик қонунларида ўз ифодасини топган.

Табиатга етказилган зарарни қоплаш масаласининг барча ҳуқуқий томонлари амалдаги қонунларда батафсил ёритилган бўлса-да, аммо амалиётда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин. Ушбу масалада ўтган йиллар ва ҳозирги кундаги айрим салбий маълумотларга эътибор қаратсак.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маълумотларига асосан,

*ўтган 2022 йилда давлат экологик назорат тадбирлари давомида 45 300 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, табиатга етказилган зарар учун 40 миллиард сўм маъмурий жарима тайинланган. Қайд этилишича, 1 409 та ҳолат бўйича 5,8 миллиард сўм жарима ва табиатга етказилган зарарни ундириш ва қонуний чора кўриш учун материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган. 36 та ҳолат бўйича жиноят иши очилган. Ҳуқуқбузарлардан 300 дан ортиқ ҳайвонот дунёси объектлари, 6 442 кг доривор, техник ва озучабоп ўсимликлар, 2 433 кг балиқ маҳсулотлари, 550 дан зиёд инвентарлар белгиланган тартибда олиб кўйилган. 446 та хўжалик юритувчи субъектларда давлат экологик назорати тартибида текширишлар ўтказилган ва 379 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 437,8 миллион сўм жарима қўлланилган. Атроф-муҳитни ифлослантиргани учун 50,2 миллиард сўм қўшимча компенсация тўловлари ҳисобланган. Экологик талабларга риоя этмаган 24 та корхона фаолияти суд қарори билан камчиликлар бартараф этилгунга қадар вақтинча тўхтатилган. Худудларда ноқонуний тарзда дарахт ва буталарни кесиш, шунингдек, уларга шикаст етказиш билан боғлиқ 4 673 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 7 миллиард сўмдан зиёд жарима ҳамда 10 миллиард сўмдан зиёд табиатга етказилган зарар ҳисобланган.*

Бу кўрсаткичларнинг аксарият қисми асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятлари ҳисобига тўғри келганлиги ижобий ҳол эмас.

Аянчи томони шундаки, 2022 йилнинг 9 ойи давомида браконьерлик бўйича 5 994 та ҳуқуқбузарлик



ҳолати аниқланган, айбдорларга нисбатан жами 8,2 миллиард сўм жарима ва 7,9 миллиард сўм табиатга етказилган зарар ҳисобланган. Қайд этилишича, 9 ойда 358 877 туп дарахт ва бутани кесиш, кўчириб ўтказиш, буташ бўйича 5 806 та мурожаат келиб тушган. Шундан 2 321 та мурожаатда 52 мингдан зиёд дарахтни кесишга ва 2 108 та мурожаатда 134 мингдан зиёд дарахтни кесишга рад жавоби берилиб, қарийб 307 минг туп дарахт сақлаб қолинган.

Шунингдек,

*атмосфера ҳавосига умумий ташланмаларнинг 1 295 миллион тоннаси (58,8 фоиз) транспорт воситалари ҳамда 909 минг тоннаси (41,2 фоиз) саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келган. 42 та ишлаб чиқариш ва саноат корхонасида жами 165 та чанг-газларни тўтиб қолиш ускунасини таъмирлаш ва янгиларига алмаштириш ишлари амалга оширилган. Санитар тозалаш корхоналари тасарруфида 4 162 та махсус техника воситаси, 4 142 та чиқинди йиғиш майдончаси, 18 899 та чиқинди контейнери, 195 та қаттиқ маиший чиқинди полигони мавжуд. Давлат томонидан тадбиркорларга битимлар асосида 1 339 та махсус техника, 61 та полигон, 670 та чиқинди тўплаш шохобчаси, 50 та автотураргоҳ, 4 648 та контейнер бириктириб берилган. Шу билан бирга, браконьерликка қарши кураш тадбирлари давомида давлат инспекторлари томонидан жами 5 994 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган бўлиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан жами 8,2 миллиард сўм жарима ва 7,9 миллиард сўм табиатга етказилган зарар ҳисобланган. 512 куб метр саксовулларни ноқонуний кесган 190 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 525 миллион сўм жарима ва зарарлар, дарахт ва буталарни ноқонуний кесган 3 170 нафар шахсга нисбатан 12,2 миллиард сўм жарима ва зарарлар белгиланган.*

Хуллас, табиатга етказилган зарарнинг олдини олиш ва уни қоплашни ўз вақтида таъминлаш ҳамда амалга ошириш учун:

биринчидан, бу масаладаги экологик қонун талабларини аҳоли ўртасида кенгроқ тарғиб қилиш; иккинчидан, табиатга етказилган зарарнинг олдини олиш ва уни қоплаш билан боғлиқ қонунларни суд амалиётида тўғри ва батафсил қўллаш;

учинчидан, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу соҳадаги ишларни судьялар томонидан кенгроқ ўрганиш ва хорижий тажриба асосида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

# СИФАТЛИ СУД ҚАРОРЛАРИ — ОДИЛ СУДЛОВ ГАРОВИ

**Суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминланмасдан туриб суд қарорларининг қонуний ва адолатлилигини таъминлаб бўлмайди. Суд қарорларининг қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлишида эса кўп жиҳатдан судьяларнинг малакаси, тажрибаси ва амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан кўникмаларининг юқори бўлиши ҳам муҳим ўрин тутади.**

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида, судьялар мустақил эканлиги, фақат қонунга бўйсунуши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашигга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек Қонуннинг 10-моддасида, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийлиги кўрсатилган.

Профессор Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, “суднинг ҳал қилув қарори – одил судлов акти бўлиб, далиллардан фойдаланган ҳолда ишнинг ҳақиқий ҳолатини белгилашга, моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларини тадбиқ этиш билан фуқаролар ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир”.

Ҳуқуқшунос олим, профессор М.М.Мамасиддиқов биринчи инстанция судининг қарорларига фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш натижасида судлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ёзма шаклда чиқариладиган ва ижро этилиши мажбурий бўлган процессуал ҳужжат деб таъриф беради.

Судья ҳал қилув қарорини қачон тайёрлаши керак, низо юзасидан суд муҳокамаси тугагандан кейин маслаҳатхонадами ёки олдинроқ тайёрлаб қўйиши керакми?, – деган савол ёш судьялар ўртасида кўп муҳокама бўлади. Бунга асосий сабаб, ҳақиқатдан ҳам амалдаги кодексларда ва Олий суд Пленум қарорларида ҳал қилув қарорини қачон тайёрлаш юзасидан қоида ва тавсиялар киритилмаган.

Суд қарорини ёзиш юзасидан турли хил ёндашишлар мавжуд. Хусусан, айрим судьялар ҳал қилув қарорини эълон қилинган кундан эътиборан 5 кун мобайнида ёзишни, айримлари эса унинг иш юритувида фуқаролик ишлари кўплиги сабабли қарорларни муддатида ёзишга улгурмаётганлигини, фақат ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмини тарафларга беришни вақтида қилаётганлигини, яна бошқа судьялар

“ҳаракат қилаётганлигини”, суд ҳал қилув қарорини айнан қачондан бошлаб ёзишни ўйлаб кўрмаганликларини таъкидлашади. Судьяларнинг айримлари эса, тарафлар музокара сўзларини айтишгунга қадар ҳал қилув қарори “скелети”ни деярли тайёр қилаётганлигини билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, унинг талабларига кўра, эндиликда судья томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорларини суд мажлиси иштирокчиларига тушунтириш институти жорий этилди. Фармон талабларини судья томонидан тўлиқ таъминлаш учун, албатта давр талабидаги судья ҳал қилув қарорини қачон ёзишни билиши ҳамда қарорни амалдаги қонун нормаларига мувофиқ асослаган бўлиши керак. Акс ҳолда судья суд процессининг иштирокчилари олдида уялиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳал қилув қарорини қачондан тайёрлашни бошлаш керак?, – деган саволга жавоб беришдан олдин мазкур савол доирасидаги қонунчилик ва қонун ости ҳужжатларига эътиборни қаратишимиз лозим бўлади. Хўш, амалда суд қарорларини ёзиш бўйича қўлланма ёки дарслик борми, бор албатта, лекин улардан судьяларимиз тўғри фойдаланмоқдаларми? Бу саволга жавоб бериш мушкул. Агар, “ҳа, фойдаланмоқда” десак, суд процесси иштирокчиларидан ҳал қилув қарорининг ўз вақтида берилмаётганлиги юзасидан шикоятлар келмаган бўлар эди. Бундан кўринадик, ҳал қилув қарори тузиш бўйича бир қатор қўлланмалар мавжуд бўлсада, бироқ суд ҳал қилув қарорини вақтида ёзиш бўйича бирон бир кўрсатма мавжуд эмас.

ФПК 249-моддаси талабларига мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори ишнинг суд муҳокамаси тугаганидан кейин дарҳол қабул қилиниши, алоҳида ҳолларда, ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан беш кунга кечиктирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмлари иш муҳокамаси тугалланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиниши керак.

Иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг санаси, у эълон қилинган кун ҳисобланади. Буни бошқача талқин қилиш мумкин эмас, яъни судья

қабул қилган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисми судья маслаҳатхонадан чиқиши билан эълон қилиши шартлиги ҳамда кириш ва хулоса қисмидан иборат бўлган ҳал қилув қарори раислик қилувчи томонидан имзоланиб, ишга тикиб қўйилиши, ўта мураккаб ишлар бўйича ҳал қилув қарорининг тўлиқ матни кўпи билан беш кунда тайёрланиши, унинг матни ишга тикилган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмига сўзма - сўз мос келиши лозим.

Юқоридаги қонун нормаларида асосан суд ҳал қилув қарорининг суд муҳокамалари тугатгандан сўнг, маслаҳатхонада ёзилиши лозимлиги, унда қандай нормалар акс эттирилиши, уни эълон қилиш вақти, тарафларга қарор нусхаларини юбориш, ҳал қилув қарорига нисбатан шикоят бериш каби процессуал ҳаракатларни амалга ошириш белгилаб берилган.

Бирок, ФПКда белгиланганидек, судья маслаҳатхонага киргандан сўнг, бир неча дақиқалар ичида қонуний, асослангандан ва адолатли ҳал қилув қарорини ёзишга улгурадими? Бу саволга жавоб бериш мушкул албатта, агар низо энгилроқ ва суд жараёнига тарафлар томонидан кам ҳужжатлар келтирилган бўлса, улгуриши мумкин, аммо, бир неча даъвогар бир неча жавобгарга нисбатан, бир қанча даъво талабларини келтирган, жавобгар томони ҳам уларга нисбатан қарши даъво киритган, экспертиза тайёрлаш ва экспертлар жалб этилган бўлса, қонунда белгиланган муддатда ҳал қилув қарорини тайёрлаш анча мушкуллик туғдириши табиий.

Бунинг учун нима қилиш керак? Суд ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлаш, уни ўз вақтида тузиш ва тарафларга, ижрога юборишга эришиш учун қуйидаги тавсиялар таклиф этилади.

**Биринчи босқич** — даъво ариза ёки ариза судьянинг иш юритувига қабул қилинган кундан бошлаб узоғи билан 5 кун мобайнида ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ишни кўраётган судья, котиб, даъвогар ва унинг вакили, ишда иштирок этадиган прокурор, кўриладиган даъво талаби, баён қисмида даъво қилинаётган талаб, келтираётган вазлар, асослангандан қисмида эса қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ меъёрлари, аниқланиши ва қандай аниқланиши лозим бўлган саволлар киритилган ҳолда ҳал қилув қарорининг “хомаки” шакли тузилади.

ФПКнинг 192-моддасига мувофиқ, судья аризани иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай якка тартибда ҳал этиши белгиланган. Шунингдек, Кодекснинг 201-моддасига мувофиқ, судья аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарганидан сўнг ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёни ҳам 10 кунни (агар қўшимча ҳужжатлар талаб этиладиган бўлса мазкур муддат 20 кунгача асослангандан



ажримга асосан узайтирилиши белгиланган) ташкил этади.

Даъво ариза иш юритувига қабул қилиниб, фуқаролик ишнни қўзғатиш ва тайёрлов босқичи 20 кунни ташкил этган муддат судьянинг суд қарорининг хомаки шаклини тайёрлаб қўйиши учун етарли эканлигига шубҳа бўлмаса керак. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик иши билан танишмасдан туриб суд муҳокамасига кирган судья, бу судья эмас десак хато қилмаган бўламиз. Хусусан, суд мажлисида даъвогар даъвосини тасдиқлаш учун қандай фактлар келтирилгани ва мазкур фактлар амалдаги қайси қонун нормаларига асосан тартибга солинишини ўрганмасдан суд мажлисини ўтказаяётган судья бамисоли даладаги қўриқчига ўхшаб, суд муҳокамасини яқунлашни, бошқа кунга қолдириш, далиллар доирасини белгилаш, экспертиза тайинлаш ва шунга ўхшаш процессуал ҳаракатларни амалга ошира олмайди, натижада эса суд муҳокамасини бошқа кунга қолдиради. Қолдирганда ҳам тарафлар кейинги суд мажлисига қандай ҳужжат ва далилларни олиб келиши зарурлиги ҳақидаги топшириқни бера олмайди. Оқибатда эса суд муҳокамаси чўзилиб, ишларни кўриш муддатлари бузилади.

**Иккинчи босқич** – судья тайёрлов ишларини амалга ошириб бўлгандан кейин, ишни суд муҳокамасига тайинлаш ҳақида ажрим чиқаради, ажримда суд муҳокамаси иштирокчиларининг суд мажлисига етиб келишларини реал ҳисобга олиб суд мажлиси санаси ва аниқ вақти белгиланади. Суд муҳокамасига жиддий тайёрланган судья тарафларни ва суд мажлисида иштирок этаётган иштирокчиларни низо юзасидан сўроқ қилади, уларнинг келтирган вазлари ва исботлаш воситаларини эътиборга олиб, тарафларни суд музокарасига тайёргарлик кўришлари учун муддат беради ёки ишга аниқлик киритиш учун қўшимча далилларни талаб қилиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун суд муҳокамасини асослангандан ажрим асосида бошқа муддатга қолдиради. Суд мажлисини қолдиришда манфаатдор томоннинг тегишли ҳужжатни ёки далилларни етказиб келишига етарли муддатларни эътиборга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг ай-

рим масалалари тўғрисида” ги 2018 йил 19 майдаги 14-сонли қарорининг 1-бандига кўра, судларнинг эътибори фуқаролик ишларини кўришда фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш зарурлигига, уларга риоя қилмаслик эса, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳуқуқлари бузилишига олиб келишига, мазкур Пленум қарорининг 19-бандига асосан иш муҳокамаси кейинга қолдирилганда, суд кейинги суд мажлиси вақтини шу давр мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни инобатга олган ҳолда тайинлаши лозим.

Суд муҳокамасининг кейинги мажлисига қадар ҳал қилув қарорининг кириш қисмига – жавобгар ва унинг вакиллари, бошқа жалб этилган иштирокчилар киритилади, баён қисмида тарафлар ва иштирокчиларнинг тушунтиришлари киритилади, асослантирувчи қисми суд муҳокамаси иштирокчиларининг келтирган важлари, ҳужжатлар ва далиллари ҳамда шу низони ҳал этиши лозим бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатлари қайта аниқлаштирилади, биринчи босқичда аниқланиши лозим бўлган саволларга жавоб ёзилади ва суд ҳал қилув қарорининг хулосаси қисман (аниқ хулосаси ёзилмаган ҳолда) хомаки шаклда ёзилади.

Учинчи ва якуний босқич – суд тарафларнинг келтирган важлари асосида якуний хулосага келади ва маслаҳатхонага киради. Судья олдиндан тайёрланган ҳал қилув қарорининг хомаки шаклини келтирилган далиллар асосида мустаҳкамлайди ва тайёр суд ҳал қилув қарорини эълон қилади.

ФПКнинг 207-моддасига мувофиқ, ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади. Бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига кўра икки ойгача узайтирилиши мумкин, бундан алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай биринчи инстанция суди томонидан кўрилиши керак.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўзига талабчан бўлган судья ҳал қилув қарорини даъво аризани иш юритувига қабул қилган кундан бошлаб ёзмас экан, ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, адолатлилиги ва ўз вақтида хатосиз ёзилишини таъминлай олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдан қонуний кучга кирган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни меъёрларида битта норма қабул қилиниши учун унинг қандай босқичлардан ўтиши кетма-кетлиги кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, ҳал қилув қарорини тайёрлашда судья низо юзасидан қўлланилиши лозим бўлган амалдаги қонунларни аниқлайди, судга даъво ариза билан бирга тақдим этилган далилларни кўриб чиқади, тарафларнинг тушунтиришларини эшитади ва таҳлил этади, қўшимча далилларни талаб қилиб олиш чораларини кўради, гувоҳларни эшитади, зарур бўлса қўшимча гувоҳларни ишга жалб этади, экспертиза тайёрлаш чораларини кўради, айрим ноаниқ масалалар юзасидан мутахассисларни ишга жалб этади, барча йиғилган материалларга нисбатан тарафлар муносабатларини ўрганади ва тўпланган материаллар ва тарафларнинг муносабатларига амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беради.

Юқоридаги таклифларни умумий қилиб жамласак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Иқтисодий ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги процессуал кодексларга “Суд ҳал қилув қарори лойиҳаси тузиш” деб номланган алоҳида боб киритиш лозим бўлади.

Судьянинг суд қарори лойиҳасини ўз вақтида тайёрлаб бориши, даъво аризасида, кейинчалик суд мажлиси жараёнида тарафларнинг баёнотлари ва келтирилган важларига амалдаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда тўғри ҳуқуқий баҳо бериб боришга эришиши бу судьянинг қанчалик ҳуқуқий билими юқорилигига ва малакаси етарлилигига боғлиқ бўлади. Мазкур талабларга риоя қилиб борган судьянинг кўнгли хотиржам бўлади ва тарафларга бирон кун кечикмасдан суд ҳал қилув қарорини беришга эришади. Қолаверса, суд ҳокимиятининг адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш йўлида қўйган мустаҳкам қадами бўлади.

**Маъруфжон ТАЖИБОЕВ,**

*юридик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи / Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. -210 б.
2. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси // Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирга олинган номзодлар учун қўлланма. –Тошкент, Baktria press, 2014. – 318 б.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // [uz.uz/posts/bilimlavlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farvon-ayet-08-12-2018](https://uz.uz/posts/bilimlavlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farvon-ayet-08-12-2018)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишонччи ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сонли қонуни // <https://lex.uz/docs/5534923>
6. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/5378966>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сонли фармони // [https://uz.uz/posts/odil-sudlovga-erishish-imkoniyatlarini-yanada-kengaytirish-va-sudlar-faoliyati-samaradorligini-oshirishgadoir-qoshimcha-chora-tadbirlar-togrisida\\_446083](https://uz.uz/posts/odil-sudlovga-erishish-imkoniyatlarini-yanada-kengaytirish-va-sudlar-faoliyati-samaradorligini-oshirishgadoir-qoshimcha-chora-tadbirlar-togrisida_446083)

# ҚАРЗ ДАФТАРИ



— Ука, “қарз дафтарингиз” борми?

— Бор, ака.

— Шу дафтарингизда муҳтож оилаларнинг қарзларини ҳисоблаб айтсангиз, рамазон ойида шуларнинг қарзларидан озод қилиб қўйсак, дегандик.

Қассоб йигитнинг юзида аччиқ табасум пайдо бўлдида:

— Ака келинг, мана қўлимдаги рўйхат, манави акани кўпчилик танийди, тағларида Малибу, ўғиллари фалон жойда ишлайди, қарзларини бир йилдан бери беролмайдилар “бечоралар”.

— Манави бойваччанинг уйини кўрсангиз нақ қаср дейсиз, бир ярим йил бўлди, бермайди. Қисқаси рўйхатимдагиларнинг бари шунақа бойваччалар.

— Менга булар керакмас, етим болалари бор ва муҳтож камбағал оилаларнинг рўйхатини беринг, ука.

— Ака, сиз айтган оилалар заруратдан 200-300 грамм гўшт олишса, бир ҳафтага қолмай пулини тўлаб чиқиб кетишади. Уларда амал ва бойлик бўлмасаям ор-номус бор. Қисқаси, дафтаримдан сиз излаган одамни топа олмайсиз, саломат бўлинг...

# ИСЛОМ ДИНИДА САВДО ФАОЛИЯТИ ШАРТЛАРИ ВА ТАҚИҚЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада Ислом фикҳида савдо фаолиятига оид турли шартлар ва тақиқлар, шунингдек тижорат шартномаларининг шакл ва турлари ҳақида умумий тушунчалар берилди. Мақоладаги маълумотлар Қуръон, ҳадислар ва Ислом ҳуқуқининг бошқа манбаларидан олинган ҳукмларга асосланган.

**Калит сўзлар:** бай, шартнома, рибо, чеклаш.

**Одамлар ўзларига тегишли бўлмаган ва бошқалар эгалик қиладиган нарсаларга муҳтож. Шариат бировнинг мол-мулкни ҳуқуқсиз ўзлаштиришни тақиқлайди ва одамлар ўртасида адолатли алмашинувга йўл қўяди. Бу борада савдо инсон эҳтиёжларини бир-бирининг ҳуқуқларига тажовуз қилмасдан адолатли равишда қондиришининг ягона йўлидир.**

Ислом динида савдо фаолияти жамоавий ўзаро тартибга солиш ва тўғри хулқ-атворни назорат қилиш доирасида амалга оширилади. У “нейтрал рухсат” таъминоти катта аҳамият беради (ibahah asliyah), унга кўра, аниқ тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилди (al-asl fi-al-mumalat al-ibahah). Шунга кўра, савдода мажбурий тақиқлар сони диний кўрсатмалар билан чекланган ва кўпаймаслиги керак.

Савдо фаолиятини соддалаштириш учун ишлатилган асосий тақиқлардан бири бу, савдо муносабатларида ноаниқлик элементи (ишончсизлик) — гаррарни тақиқлаш бўлиб, бундай битимлар Исломгача бўлган даврда кенг қўлланилган.

Савдо-сотикни бузганлар интизомий жазога тортилган. Бозорларда фақат динни (яъни, Исломий савдо таъминотларини) тушунадиганларгина олди-сотди қилишлари кераклиги таъкидланади. Ислом манбаларида бировнинг молини нотўғри йўл билан қўлга киритиш ҳаром қилинган ва одамларнинг ҳаром даромаддан сақланиши буюрилган. “Бир-бирларининг молларинингизни ботил йўл билан еманг...”

Қуйидагилар савдони ҳаром деб эълон қилишга сабаб бўлиши мумкин:

- таркибида ҳаром (нажас) бўлган нарсаларни олди-сотди қилиш (чўчка гўшти қўшилган таомлар ва бошқалар);

- ҳар бир ҳаром нарсанинг савдоси (ўлик, қон ва бошқалар);

- сотувчи ёки харидорнинг сифатсиз нарсаларни (масалан — муддати ўтган дори воситаларини сотиш) савдо қилиши;

- ҳар қандай савдо-сотикда алдаш (масалан — сувда балиқ савдоси ва б.);

- томонларнинг розилигисиз амалга ошириладиган ҳар қандай савдо тури (масалан — бирор нарсани сотишга мажбурлаш ва ҳоказо);

- сотиш мумкин бўлган нарса ёки унинг нархи номаълум бўлган ҳар қандай савдо тури (масалан — чорванинг қорнидаги ҳомиласини сотиш) ҳаромдир;

- шариат ман қилган ҳар қандай савдо-сотик (масалан, тегишидан кейин муомала қилиш.);

- ҳар қандай ҳаром воситалар билан савдо қилиш (зино орқали пул ишлаш.);

- қимор ўйинларини ўз ичига олган ҳар қандай савдо (лотерея);

- жума азонидан кейинги ҳар қандай савдо (масалан — жума азонидан кейин масжидлар ташиқарисида бош кийимлар, китоблар, парфюмерия ва тиш чўткаларини сотиш ёки ўз бизнесини давом эттириш.);

- қонун билан тақиқланган нарсалар (ит, мушук ва бошқалар) билан савдо қилиш;

- ҳар қандай дори (наша ва гашиш каби) билан савдо қилиш.

Савдо ҳуқуқи умумий шартнома ҳуқуқи (фикҳ ал уқуд)дан ташкил топган бўлиб, шартнома тузувчи томонлар ўртасидаги ўзаро розиликни таъминлашга қаратилган тамойиллар (устунлар) ва шартларни ўз ичига олади.

Ислом ҳуқуқида шартномалар ҳақидаги тушунчани осонлаштириш учун улар бир неча тоифаларга ажратилган. Масалан, бир нуқтаи назарга кўра, шартномалар иккита асосий тоифага бўлинади: бир томонлама ва икки томонлама шартномалар.

Бир томонлама шартномалар деганда, бир томон бошқа томонга васият қилган ёки фойда келтирган шартномалар назарда тутилади, масалан, ҳада бериш (hadiya); қарзни қошлаш (ibra); вақфлар (vaqf); васият (vasiy) орқали мерос олиш. Бир томонлама шартномаларни икки томонлама шартномалардан ажратиш турадиган асосий жиҳати шундаки, бошқа томоннинг розилиги шарт эмас.

Икки томонлама шартномалар қолган битимлардан иборат бўлиб, уларни икки томон биргаликда тузади ва шартноманинг ҳақиқий бўлиши учун улардан ҳар бирининг эркин ҳолда ўзаро розилиги талаб қилинади. Икки томонлама шартномаларга олди-сотди фаолиятининг барча шакллари, меҳнат шартномалари, ижара шартномалари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Шартномаларни бошқача туркумлаш уларнинг қопланиш хусусиятига асосланади, яъни шартномалар ўзгарувчан (уқуд-э-муъавадха) ёки ўзгармас (уқуд ғайр муъавадха) бўлади.

**Ўзгарувчан шартномалар** — бу томонлардан бирига бошқа томондан уларга тақдим этилган нарсаларни, масалан, нарсаларни сотиш, активларни

ижарага бериш, хизматлар кўрсатиш ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда ҳақли равишда қоплама олиш имконини берадиган шартномалардир.

Бошқаси эса қилинган хизматларини ҳисобга олган ҳолда бир томонга қайтишини назарда тутати. Бунга мисол, совға бериш, қарз бериш, кафиллик ёки таъминот таклиф қилиш ва ҳоказолар. Шариат бу турдаги шартномаларда таклиф қилинган хизматлар учун томонлар ўртасида ҳеч қандай товон тўлаш шарт бўлмастлигини буюради.

“Шартнома” сифатида ҳуқуққа эга бўлиш учун у асосан 3 та элементга эга бўлиши керак:

- 1) ижоб (таклиф) ва қабул (қабул);
- 2) аҳдлашувчи томонлар;
- 3) шартнома мавзуси.

Ҳанафий мазҳаби фикҳлари шартноманинг фақат битта шакли бор деган фикрда, чунки у умумий тарзда барча бошқа элементларни ифодалайди. Шунга қарамай, бу фикрлар қарама-қаршилик эмас, балки атамалардан фойдаланишдаги фарқлардир.

Аксарият Ислом ҳуқуқшунослари шартномаларни 2 тоифага бўлишади: шартномада талаб қилинадиган барча шартлар бажарилган саҳиҳ (яроқли) шартномалар ва шартномада талаб қилинадиган бир ёки бир нечта шартлар бажарилмаган ботил (яроқсиз) шартномалар.

Саҳиҳ ва ботил шартномалари ўртасига учинчи тоифани киритиш мумкин, улар фасид (бекор, нуқсонли, ноқонуний) шартномалардир. Кўпчиликнинг фикрига кўра, саҳиҳ ва ботил шартномаларни фарқлаш осон.

**Саҳиҳ шартномалар** — бу шартнома устунларининг барча талабларига жавоб берадиган, шунингдек, шариатда талаб қилинган ва биз ушбу мақолада аввалроқ кўриб чиққан имиздек, муъамалотнинг умумий шартлари ва тамойилларига жавоб берадиган шартномалардир.

**Ботил шартномалар** — шартномаларнинг бир ёки бир нечта талабларини бузадиган шартномалардир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳанафийлар ва бошқа мазҳаблар ўртасида саҳиҳ шартномаларни таснифлашда ихтилоф йўқ. Аммо, шартларнинг бузилиши ҳақида гап кетганда, ҳанафийлар асл (шартномаларнинг асосий қисмлари) ва васфи (шартномаларнинг ташқи сифатлари)ни фарқлайдилар.

Ҳанафий мазҳабига кўра, асли шаръий бўлган, лекин васфи жиҳатидан нолайиқ бўлган шартнома бекор бўлиши шарт эмас, балки бекор бўлган (фасид) шартноманинг тақиқланган элементлари олиб ташланса тартибга солинган, яъни саҳиҳ шартнома бўлади. Мисол учун, тарафлар (“қарз берувчи” ва “қарз олувчи”) ўртасида 100 тилла танга миқдорида қарз берилиши, маълум вақтдан кейин ушбу қарзга 10 тилла танга қўшиб қайтариш ҳақида битим тузилади, унга иккиси ҳам рози бўлади. Кўпчиликнинг фикрига кўра, бу шартнома ботилдир, чунки у рибо элементига эга.

Ҳанафийлар бундай шартномани ботил эмас, фасид деб таснифлайдилар, чунки у ҳанафий нуқтаи



назаридан аҳд устунларига жавоб беради. Томонлар ўртасида шартнома мажлисда таклиф ва қабул (ижоб ва қабул) бўлса, аҳдлашувчи томонлар ақли расо ва балоғатга етган бўлсалар шартнома аслида ҳақиқийдир. Бу қарз шартномасида фақат рибо элементигина шартномани бекор қилади.

Демак, ҳанафий фақиҳлари шариат рухсат берганидек, шартномага қард (қарз) шартнома сифатида амал қилади, лекин шартноманинг вафоси бўлган рибо сифати туфайли бекор, дейишади. Шунинг учун бу шартномани ҳанафий фақиҳларига кўра 10 тилла танга (фоиз) қисмини олиб ташлаш билан тартибга солиш (саҳиҳ қилиш) мумкин.

Савдони ҳалоллик ва шариат талаблари асосида амалга ошириш жуда муҳим. Бундан хулоса қилиш мумкинки, шариат қонунчилиги тўғри юритиладиган савдога рухсат бериш билан бирга, маълум бир турдаги савдо алоқаларини тақиқлайди. Қуйидаги тижорий фаолият турлари ҳаромдир (тақиқланади):

1. Барча ҳаром нарсаларнинг (тана гўшти, чўчка, бутлар ва барча ифлосликлар ва бошқалар) савдоси;
2. Ҳар қандай фоизларга асосланган савдо;
3. Ҳар қандай алдамчи савдо (масалан, ҳаводаги қушлар, сувдаги балиқлар ва барча номаълум нарслар билан савдо қилиш ва бошқалар).

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, шариат одамларга ғамхўрлик қилиб, инсон ва жамият учун фойдали бўлган меъёрларни белгилайди, чунки муносабатлардаги равшанлик (аниқлик) ва адолатли бўлиш нохуш оқибатлар ва тушунмовчиликларнинг олдини олади.

**Абдураим ҚИЛИЧЕВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институти мустақил тадқиқотчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Аyub, (2007). Islomiy moliyani tushunish.
- 2.ас-Садр М. Б. “Илм ал-Усул” тарихи. М.: Садр, 2009; Раҳматуллин Р. Ю. Мусулмон ҳуқуқининг хусусиятлари/ Ахборотнома ВЕГУ, 2016. № 5 (85), 108–109-бетлар,
- 3.В.Ҳаллак. Ислом ҳуқуқ назариялари тарихи, сунний ҳуқуқ назариясига кириш / инглиз тилидан И. А. Тсарегородцев томонидан таржима қилинган, И. Л. Алексеев, Москва таҳрири. : Олий Иқтисодиёт мактаби нашриёти, 2020, 76–79-бетлар).
3. Z.Ahmad, (2011). “Ислом тижорат ҳуқуқидаги шартнома”
4. А.А.Hassan “Ilk islom savdo huquqidagi savdo va shartnomalar”. Edinburg: Edinburg universiteti, 1986, 36–88-betlar; Islom ensiklopediyasi. yangi nashr. jild. X: T-U. B. 466–476.
5. Куръони карим, “Бақара” сураси, 188-оят.
6. Ваҳба Зухайлий “Ислом иқтисодиёти”.

## ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚҚА МОС ҲУЛҚ-АТВОРИ ТУШУНЧАСИ

*Инсоннинг ҳулқ-атвори юридик нуқтаи-назардан ҳуқуққа мос, мос эмас ва юридик жиҳатдан фарқсиз бўлиши мумкин. Сўнғиси ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат туғдирмайди ва ҳеч қандай юридик баҳога сазовор эмас. Ҳуқуқий ҳулқ-атворга фақат икки турдагиси тегишлидир: ҳуқуққа мос ва ҳуқуққа қарши, уларнинг моҳияти ҳуқуқ нормалари талабларига риоя қилиш ёки уни бузишдан иборат. Ҳуқуқий ҳулқ-атворнинг белгилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: 1) ижтимоий аҳамиятли; 2) шахснинг онгги ва эркининг назорат остидалиги; 3) ҳуқуқ доирасига кириши; 4) давлат назорати остида бўлиш; 5) юридик оқибатларнинг вужудга келиши.*

Ҳуқуққа мос қилмишнинг тузилиши тўрт элемент бирлигини ўзида ифода этади: субъект, объект, субъектив ва объектив томон.

Субъектлар давлат томонидан ўрнатилган тартибда тан олинган жисмоний (хусусий) ёки юридик шахслар ҳисобланади. Ҳуқуққа мос қилмишнинг объектлари эса моддий дунё предметлари ёки субъектларнинг ҳулқ-атвори ҳисобланади.

Объектив томон ташқи ҳаракатнинг ҳуқуққа мос қилмиш ёхуд аниқ шахснинг фикрлари ва сезгилари ҳақидаги фақат битта белгини тавсифловчи унинг ҳаракатини қамраб олган барча элементлардир. Субъектларнинг ҳуқуққа мос қилмишлари бир-биридан, шунингдек ҳуқуққа қарши ва айни ўз ташқи томони билан юридик бетарафдан фарқ қилади.

Ҳуқуққа мос қилмишнинг субъектив томони унинг ички томонини ифодалайди. У, аввало, ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуққа мос ҳаракатларининг мақсади, шунингдек уларнинг ҳаракати ва ҳаракатсизлигига қаратилган мақсади билан тавсифланади.

Шундай қилиб, ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор – бу жамиятнинг ҳуқуқий нормаларини ўзининг қилмиши билан шахсан ўзлаштириши ва амалга ошириши, шахсий ёки ижтимоий бойликка эришишга қаратилган онгли, эркин ҳулқ-атворидир.

Ҳуқуққа мос ҳулқ-атворнинг ижтимоий аҳамияти иккита асосий ҳолат билан аниқланади: биринчидан, унинг манбалари ва нимага қаратилиши билан; иккинчидан, унинг жамият ва шахс учун оқибатлари билан. Ҳар иккала муносабатда ҳам ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор ижтимоий муносабатлар тараққиёти учун фойдали бўлади, шахснинг гармоник ривожланиши учун ижобий таъсир этади.

Шундай қилиб, одамларнинг ижтимоий аҳамиятли ҳулқ-атворини ҳуқуқий ҳулқ-атвор сифатида, агар у ҳуқуқ нормасида белгиланган ва ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқарадиган бўлса кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор – ҳуқуқий ҳулқ-атворнинг бир туридир. Субъектларнинг шундай ҳулқ-атвори тўғрисида ҳуқуқий нормада қайд қилинган модель билан мос келгандагина, яъни ҳуқуқий тартибга солиш доирасида бўлгандагина гапириш мумкин, бу биринчидан. Иккинчидан, ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор, қоида тариқасида, ижтимоий фойдали, ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, бажариш ва фойдаланишга асосланган ҳулқ-атвордир. Учинчидан, шахснинг ҳуқуққа мос

ҳулқ-атвори ҳуқуқий меъёр ва тамойилларга ижобий муносабатга асосланади, деган фикр-мулоҳазалар тўғри эмас. Бунда суд жараёнини чўзишга мойиллик, асосланмаган ҳуқуқий интилиш, ҳуқуқий мажбуриятларни формал бажариш намунадир. Шу билан бирга ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор субъектив томондан ижтимоий мотивни ташкил этганда ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор бўлмай қолиши мумкин. Юридик адабиётларда “ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор” тушунчаси ҳам зарурий ва хоҳиший ҳамда ижтимоий йўл кўйса бўладиган сифатида қамраб олинган. Ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор кенг тушунча сифатида кўп белги ва асослар бўйича таснифланиши мумкин, уларга субъект, субъектив ва объектив томон, ҳуқуқий оқибат ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

**Фаоллик даражаси бўйича ҳуқуққа мос ҳулқ-атворнинг уч тури ажратиб кўрсатилади:**

**1. Фаол ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор.** Бу фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг маълум мақсадга йўналтирилган қўшимча вақт, энергия харажатлари, баъзан моддий маблағлар билан боғлиқ ташаббусли қонуний фаолиятдир. Ижтимоий фаол ҳулқ-атвор субъектнинг юқори даражадаги масъулиятида ифодаланади. У фавқулодда фаол ҳаракат қилади, ҳуқуқий талабларни иложи борица яхши, самарали бажаришга интилади, жамиятга кўп фойда келтиришга, ўзининг қобилятини амалга оширишга ҳаракат қилади. Ҳуқуқий фаоллик ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлиши мумкин. Ижтимоий фаол ҳулқ-атвор ташаббусчилиги ва интизомчилиги билан ажралиб туради. Бу ҳолатда субъект рағбатлантириш ёки жазодан кўрққанлиги учун эмас, балки юқори ривожланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият асосида ҳаракат қилади.

Баъзи тоталитар давлатлар фақат сўзда шахснинг ижтимоий, шунингдек ҳуқуқий фаоллигига эътибор қаратади. Ҳақиқий фаол фуқаро бундай давлатларга керак эмас, у ундан кўрқади. Шунинг учун бу ерда шахснинг конформизм, консерватизм, ташаббуссизлик каби хусусиятлари илдиш отади. Бу бизнинг ҳозирги замон жамиятимиз учун бутунлай мақсадга мувофиқ эмас. Ўзини ҳимоя қилиш, яшаши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитни таминлаш, қонун доирасида эркин бўлиш, қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга таъсир қилиш, давлат тимсолида ҳимояга эга бўлиш учун шахс иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа муносабатларда фаол бўлиши зарур. Шахснинг ҳуқуқий фаоллиги – ҳозирги даврнинг

талабидир. Ҳуқуқий фаолликнинг намоён бўлиш шакли турли-туман. Бу виждонан хизмат фаолияти, партиялар, жамоат бирлашмаларини шакллантиришда ва ишларида иштирок этиш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда қатнашиш, турли давлат тузилмалари билан ҳамкорлик қилишда намоён бўлади.

**2. Оддий ҳулқ-атвор.** Фаол ҳулқ-атвордан фарқли равишда, у қўшимча харажатлар ва кучлар билан боғлиқ бўлмайди. Бу инсоннинг ҳуқуқ нормаларига мос кундалик хизмат, маиший ва бошқа ҳаётий ташвишларидир. Бу турдаги ҳулқ-атвор доирасида фуқаролар ўзларининг ҳуқуқий мажбуриятларини бажарадилар, у ёки бу юридик ҳаракатларни содир этадилар. Лекин, уларнинг фаоллиги бу ерда ҳуқуқий талаблар даражасидан ошиб кетмайди. У одатда инсоннинг оила, давлат, жамиятдаги қулай ҳаёт фаолияти учун зарурдир. Ҳуқуққа мос ҳаракатлар кўп марта қайтарилганда одатга айланиб қолади. Қонун нормаларига риоя қилиш инсоннинг ички эҳтиёжига айланади. Инсон онгида унинг на ижтимоий, на ҳуқуқий аҳамиятини қайд қилмайди, улар тўғрисида ўйламайди. Бу одатий бўлсада, аммо онгсиз ҳулқ-атвор эмас. Айнан шундай қилиб инсоннинг моддий, руҳий ва бошқа эҳтиёжлари қондирилади.

**3. Пассив ҳуқуқий ҳулқ-атвор.** Бу фуқаролар ўзларига тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланмаётганларида намоён бўлади. Пассив, масалан, фуқаро никоҳга кирмай, мулкни эгалламай, сайловларда қатнашмай тутган ҳолатларда кўринади. Бу ҳолатда зиён ўз манфаатларини қондириш учун ҳуқуқдан фойдаланмаган фуқаронинг ўзи учун таъсир этади. Аммо, зиённи бутун жамият ҳам тартади, ёхуд фуқаронинг сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги пассив позицияси давлат ишларида волонтеризм эшикларини очади, давлат тузилмаларини халқнинг таъсири ва назоратидан четда қолишига олиб келади.

Мақсадига кўра ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор 3 турга ажратилади: ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор мақсадининг у ёки бу тури танлаш сабабини билдиради (ижтимоий ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор субъектларининг руҳий, ахлоқий, жисмоний ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўйланган, ёки онгсиз).

**Конформистик ҳулқ-атвор** – ижтимоий фаолликнинг паст даражаси. Шахс ҳуқуқий талабларга паст даражада риоя қилади, атрофдагиларга мослашишга интилади, ажралиб турмайди, “ҳамма сингари бажаради”. Ҳулқ-атворнинг бундай тури ривожланган жамиятда ҳуқуққа мос ҳулқ-атворнинг устувор типиди бўлиши мумкин эмас, ёхуд “ҳамма сингари бажаради” тушунчасидан асосий ҳаётий тамойил сифатида фойдаланиш жамиятда кўп ҳолларда бефарқ омманинг пайдо бўлишига олиб келадики, у демократик давлатнинг пойдевори бўлиши мумкин эмас.

**Маргиналь ҳулқ-атвор** – паст жавобгарлик оқибатида субъект жамоага қарши, ҳуқуққа мос бўлмаган жар ёқасида бўлиб қолади (лотинчадан таржима қилганда “маргинальный” - жар ёқасида турган маънони англатади). У жазо олдида қўркув, ёки қан-

дайдир ғараз мақсадлар таъсирида ҳуқуққа тескари бўлиб қолмайди. Улар қонунга бўйсундилар, аммо уни тан олмайдилар, ҳурмат қилмайдилар. Яшашнинг одатий шароитларидан маҳрум бўлган маргиналь шахслар янги ижтимоий шароитга тезда мослаша олмайдилар ва шунинг учун қоникмаслик, тажовузкорлик, тушкунликка тушиш ҳамда эртанги кунга ишончсизликни намоён қиладилар.

Булар Европа ҳудудига Яқин Шарқ, Осиё мамлакатларидан келган катта қочоқлар армияси, миллионлаб ишсизлардир. Уларга ишласаларда ўта кам маош олувчи, ёки умуман ойлаб маош олмайдиган шахслар ҳам қўшиладилар. Ижтимоий жиҳатдан бу одамлар яшашнинг ҳатто энг кам шароитлари ва воситалари билан ҳам таъминланмаган, жамият ва давлатдан ёрдам олиш умидини йўқотганлардир. Ҳуқуқий нуқтаи-назардан бу тоифа одамлар ҳуқуққа мос ва ҳуқуққа қарши ҳолат ўртасида доимо осилиб турувчилардир.

**Қонунга итоаткорлик ҳулқ-атвори** – одамларнинг қонун талабига онгли равишда бўйсунилиши тавсифловчи масъулиятли ҳуқуққа мос ҳулқ-атвордир. Ҳуқуққа мос талаблардан маълум ҳуқуқий онг асосида эркин фойдаланилади. Шундай ҳулқ-атвор жамиятда кўп учрайди. Ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор давлат томонидан қўллаб-қувватланади, чунки у унинг учун энг яхши ҳисобланади. Давлат ўз олдига фуқароларга ўз ижодий кучи, қобилияти ва имкониятларини қўллаш учун аниқ имкониятларни кенгайтириш мақсадини кўяди. Ҳуқуққа мос ҳулқ-атворни тан олиш унинг давлат органлари томонидан ҳимоя қилиш имкониятини билдиради. Уларнинг баъзилари ҳуқуқ субъектларини муҳофаза қилишга ихтисослаштирилади ва шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш номига эга бўлади. Бошқалари ўз бошқарув функциялари ва ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалга оширадилар.

**Ҳуқуққа мос ҳулқ-атвор** – бу юридик нормалар талабларига мос, давлат томонидан қафолатланган ва ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ субъектларининг жамият манфаатлари нуқтаи-назаридан ижтимоий зарур, мақбул ёки йўл қўйса бўладиган ҳулқ-атворидир. Ҳуқуққа мос ҳулқ-атворнинг характери ва мақсадини англаш даражаси унинг субъектив томонини ташкил этади.

Объектив томони – бу ҳуқуққа мос ҳулқ-атворнинг ҳуқуқ нормаларига мослигидир. Сўз ҳуқуқ талаблари билан келишилган шахс мақсадининг ташқи намоён бўлиш шакллари ҳақида бормоқда. Бинобарин, фуқароларнинг (корхоналарнинг) ҳуқуққа мос ҳулқ-атвори ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида эътиборга олиниши зарур бўлган ўзининг хусусияти билан ажралиб туради.

**Мухаммади УСМАНОВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети профессори,  
юридик фанлар доктори,*

**Юрий ПУЛАТОВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети профессори,  
юридик фанлар доктори.*

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ САЙЁҲЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ

*Сайёҳлик соҳасида хавфсизликни таъминлашга оид муносабатларни тартибга солишда барча учун ягона модель ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ҳар бир давлат бу борада хавфсизликни таъминлашдаги муаммоларни ўзига хос тарзда ҳал қилади. Шу билан бирга, туризм хавфсизлиги концепциясига, шунингдек уни маъмурий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш шакллари ва усулларига турли хил ёндашувлар ишлаб чиқилган.*

Ривожланган хориж мамлакатларида маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш доирасида туризм соҳасида хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган стратегик давлат ҳужжатларини тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада энг ёрқин мисол Австралия бўлиб, у ерда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича умуммиллий режа мавжуд. Режа Миллий туризм тизимининг хавфсизликка таҳдидларга ўз вақтида ва тезкор жавоб беришини таъминлаш мақсадида Австралия миллий ва минтақавий туризм органлари ҳамда туризм соҳаси вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этишга қаратилган. Режанинг асосий вазифалари маълум бир хавфсизликка таҳдид даражасини баҳолаш, унга жавоб бериш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек Австралиянинг туризм соҳасидаги асосий иштирокчиларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришдан иборат.

Канада Ташқи ишлар ва халқаро савдо вазирлиги чет элга саёҳат пайтида Канада фуқароларининг шахсий хавфсизлик чоралари тўғрисида батафсил маълумотларни, шунингдек, саёҳатчига қулай ва хавфсиз саёҳат қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган қўлланмани нашр этади ва мунтазам равишда янгилайди. Бундан ташқари, вақтинча бўлган мамлакатда (жойида) хавфсизликка таҳдид тўғрисида хабардор қилиш учун Канада Ташқи ишлар ва халқаро савдо вазирлиги Интернетдаги расмий веб-сайтда хавф даражасини акс эттирувчи график диаграммаларни дунёнинг ҳар бир давлатида (жумладан, мамлакатнинг айрим ҳудудларида) эълон қилиб боради. Саёҳатчининг соғлиги ва ҳаётига зарар қилиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳақида тегишли тавсиялар ва огоҳлантиришларни жойлаштириб боради. Ушбу маълумот реал вақт режимида янгиланиб туради.

Туристлик полиция жиноятчиликка қарши курашиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш вазифалари билан бир қаторда туристларни зарур маълумотлар билан таъминлаш, тарихий ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни, табиий мажмуаларни муҳофаза қилиш, маҳаллий халқларни туризмнинг “беқарор” ривожланиши билан боғлиқ салбий омиллар ва шароитлардан ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Кўпгина туризм полицияси ходимлари хорижий тилларни биладилар, махсус туризм фанлари бўйича ўқитилади, шунингдек, туризм соҳасидаги давлат органлари, туризм индустрияси бирлашмалари ва туристлар билан яқин ҳамкорлик қиладилар.

Бирлашган Араб Амирликларида сайёҳлик полицияси фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, турист полицияси ходимининг тўғридан-тўғри вазифаси нафақат иш кийимида, балки фуқаролик кийимида ҳам амалга оширилади. Патрул йўналишлари шундай тузилганки, унинг ҳар бир нуқтасида ҳар 7 дақиқада патруллар пайдо бўлади.

Ҳиндистонда “Сайёҳлик полицияси” махсус отрядининг асосий вазифаси кўплаб сайёҳлар яшайдиган ҳудудда патруллик қилиш, сайёҳларга керакли маълумотларни тақдим этишдан иборат. Ушбу бўлинманинг самарадорлиги полиция ходимларининг мамлакат аҳолисининг катта қисми хароба биноларда яшовчи ёки умуман уйи бўлмаган одамлар бўлган шароитда сайёҳларни уйсизлар, фирибгарлардан муҳофаза қилиш қобилияти билан белгиланади.

Мисрда сайёҳлик полицияси фаолиятининг энг муҳим хусусияти шундаки, улар юз берган муаммони имкон қадар тез ва тинч йўл билан ҳал қилишади. Ушбу таркибий бўлинма кўпчилик низоларда сайёҳга ён босишга ҳаракат қилишлари билан ажралиб туради, аммо бу ҳар доим ҳам шундай бўлади дегани эмас.

Туркия сайёҳлар учун энг жозибали мамлакатлардан биридир. Туркия маданият ва туризм вазирлиги туризм соҳасида хавфсизликни таъминлаш мақсадида “Хавфсиз туризмни сертификатлаш” дастурини амалга оширишни бошлаган. Бу самолётдан аэропортгача, транспорт воситасидан меҳмонхонагача бўлган барча хавфсизлик чораларини кузатиш имконини беради. Ҳар бир фаол меҳмонхонада хавфсиз туризм сертификати бўлиши керак.

Юқорида таҳлил қилинган хорижий давлатларнинг тажрибасидан мамлакатимиз ҳудудида хавфсиз туризмни таъминлаш мақсадида қуйидаги хулосага келишимиз мумкин: биринчидан, хавфсизликка таҳдидлар мониторингини олиб бориш, иккинчидан, расмий веб-сайтларда хавф даражасини огоҳлантириш сифатида жойлаштириб бориш, учинчидан, самолётдан аэропортгача, транспорт воситасидан меҳмонхонагача бўлган барча хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш. Фикримизча, бу чора-тадбирлар сайёҳларнинг мамлакатимизга ташрифи чоғида содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларни камайитиришга хизмат қилиши билан бирга сайёҳлар оқимининг кўпайиши ва хавфсизлик даражасига ижобий баҳо берилишига таъсир кўрсатади.

**Сабина ТУРСУНОВА,**

*Жамоат хавфсизлиги университети катта ўқитувчиси.*

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАРБИЙ СУДЛАР ҲИМОЯСИДА

**Ҳарбий судлар фаолиятида бошқа судларнинг ишларида ўз аксини топиши мумкин бўлган муайян, шунингдек, ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Энг аввало, ҳарбий судлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг таркибига кирган, ҳарбий судьялар эса ҳарбий хизматчи деб эътироф этилган. Яккабошчилик ва юқоридан қуйиға бўйсуннишни назарда тутувчи ҳарбий низомларнинг қоидалари уларга ҳам татбиқ этилган.**

Ҳарбий судларни молиявий ва моддий-техник жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таъминлаган. Айни пайтда ҳарбий судлар умумий суд тизимиға кирувчи, аммо Республика Олий судида ҳарбий ҳайъатга эга бўлган мустақил вертикал тузилишидаги тизилмадир. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари, бу республикамизнинг мустақил давлатчилигидан, Ўзбекистон қонунлари устуворлигидан келиб чиққан мутлақо янги ҳуқуқий асосда ташкил этилган, республикамиз умумий суд тизими таркибидаги янги институтдир. Ҳарбий судларнинг ҳуқуқни кўллаш амалиёти - Қуролли Кучларда жиноятчилик билан курашишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунида ҳарбий судларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. Мазкур қонуннинг «Ҳарбий судлар» деб номланган 4-бўлимида ҳарбий судлар томонидан кўриладиган (39-модда) ишлар ва ҳарбий судлар таркиби ҳамда уларнинг ваколатлари белгиланди (41-модда). Қуролли Кучлар Ҳарбий судининг ҳуқуқий ҳолати вилоят суди даражасига тенглаштирилиб унинг таркибига судьялар қаторига халқ маслаҳатчилари ҳам киритилди.

Гарнизон ҳарбий судлари туман судларига тенглаштирилди ва халқ маслаҳатчилари иштирокида фаолият кўрсатадиган бўлди.

Ҳарбий судлар фаолиятини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Олий судига юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан буйруқ ва фармойишлар чиқариш ваколати ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ҳарбий судлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1999 йил 23 сентябрдаги Фармониға мувофиқ, Қуролли Кучлар Ҳарбий суди негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ташкил этилди.

Фармонға асосан, давлат манфаатини ҳимоя қилиш, ҳарбий бўлинмалардаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, Конституция ва бошқа қонуний ҳужжатларға асосан кўшинларда одил судловни амалға ошириш; ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий тарбиялаш тадбирларини ишлаб чиқиш мазкур суд органларининг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Ҳарбий суд тизими-

да илк бор округ ва ҳудудий ҳарбий судлар ташкил этилди.

Округ ҳарбий судларига ҳудудий ҳарбий судлардан статистик маълумотларни йиғиш, шунингдек, зарурий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини кўриш учун округ миқёсида уларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳуқуқи берилди.

Ҳарбий судлар фаолиятида ҳарбий хизматчилар ўртасида кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкиллаштириш ҳам алоҳида ўрин тутди. Ҳарбий судлар тизимининг барча бўғини ходимлари ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этишға жалб қилинган. Улар томонидан мунтазам равишда ҳарбий қисмларда, кўшилма ва гарнизонларда ташвиқот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониға кўра Ҳарбий судларнинг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимиға ўтказилиши муҳим аҳамиятға эга бўлди. Ваҳоланки, ҳарбий судьяларнинг Мудофаа вазирлиги штатига киритилганлиги ушбу вазирлик ижро ҳоқимияти органи ҳисобланиши туфайли суд ҳоқимияти мустақиллиги ва унинг фаолиятини ташкил этишининг асосий тамойилларига мувофиқ келмасди.

Уларнинг фаолияти, амалға оширилаётган суд ва ҳарбий ислохотлар руҳида янги йўналишда амалға оширилиб, биринчи ўринда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишға, қаттиқ устав тартиби ўрнатилишиға, “дедовшина”ға, жиноятчиликка барҳам бериш, ҳарбий хизматни ўташ ва ҳарбий бурчни бажаришни кафолатловчи, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали муҳофаза қилишға қаратилди.

Амалға оширилаётган суд ислохотларида ҳарбий судлар ролининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар Қуролли Кучларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ, одил судловни амалға оширишдаги асосий вазифалардан ташқари ҳарбий судлар Қуролли Кучлар ва Ҳарбий хизматчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, шунингдек уларда қонунийлик ва ҳуқуқ тартибни ўрнатишда фаол иштирок этади.

**Раҳимжон ОБИДОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси*

*Жамоат ҳавфсизлиги университети доценти.*



**Дилбар  
ЧОРИЕВА,**

Судьялар олий  
мактаби  
доценти в.в.б.,  
PhD

## ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ИНСТИТУТИ – ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИ ТАЪМИНЛАНИШНИНГ КАФОЛАТИДИР

*Миллий ҳуқуқ тизимимиз романо-герман ҳуқуқ тизимидан келиб чиққан. Романо-герман ҳуқуқ тизими эса англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги суд прецедентларига устунлик беришдан фарқли равишда ҳуқуқ манбаси сифатида қонунга, унинг тизимлаштирилган шакли сифатида кодефикацияланган қонунчиликка асосланади ва бугунги кунда Европа давлатларининг (Буюк Британиядан ташқари) барчасида амал қилади. Бугунги кундаги романо-герман ҳуқуқ тизими амал қилувчи мазкур давлатлар қонунчилиги билан унга асосланган ҳолда шаклланган бизнинг миллий ҳуқуқ тизимимиз бир-биридан тубдан фарқ қилишини ва ушбу фарқлар қуйидагиларда намоён бўлишини кўришимиз мумкин:*

1. Романо-герман ҳуқуқ тизимида кирувчи Европа давлатлари суд тизими таркибига суд ва прокуратура органлари киради;

2. Жиноят процессида суд фаолияти икки босқичдан, яъни ишни судга қадар юритишда фаолият олиб борувчи тергов судьяси фаолияти ҳамда суд муҳокамаси шаклида фаолият олиб бориш босқичларидан иборат;

3. Жиноят процесси тарафлари ўртасидаги тортишув принципнинг амал қилиши бизнинг қонунчиликда белгиланганидек, суд муҳокамаси босқичидан бошланмасдан, балки ишни судга қадар юритишдаёқ амал қилади.

Шу ўринда миллий ҳуқуқ тизимимиз романо-герман ҳуқуқ тизимидан келиб чиққан ҳолда шаклланган экан, унда нега романо-герман ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатлар қонунчилиги билан миллий қонунчилигимиз ўртасида юқорида келтириб ўтилганидек сезиларли даражада тафовут мавжуд, – деган савол туғилади.

Тарихга эътибор қаратадиган бўлсак, 1924 йилда мамлакатимизда суд ва прокуратура органлари адлия тизими таркибига кирган. Аммо, собиқ СССР ўз ҳокимияти мустақамлигини сақлаб туриш учун кучли бир восита – ҳокимият ваколатларига эга органга эҳтиёжи мавжуд эди, шу маънода прокуратура органлари СССРнинг кучини ифодаловчи куч ишлатар орган сифатида мутлақ ваколатлар соҳибига айланганди ва натижада СССР таркибига кирган бизнинг ҳуқуқ тизимимизнинг амал қилишида ҳам суд процессидаги тарафлар мақоми бутунлай ўзга қиёфа касб этди.

Бугунги кунга келиб Янги Ўзбекистонда Инсон қадрини улуғлаш ва Инсонга эътибор – бош тамойил этиб белгиланди. Бу эса ўз ўрнида инсоннинг барча ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш эса ўз навбатида қонунчилигимизга муайян ўзгаришлар киритишни, ҳуқуқ тизимимизда сезиларли ўзгаришларни содир этишни, суд-ҳуқуқ соҳасида кўплаб ислохотларни амалга оширишни талаб этади.

Шу маънода янги таҳрирдаги Конституция-мизда адвокатуранинг ҳуқуқий мақоми конституция даражасида мустақамланиб, адвокатура институтига алоҳида янги боб ажратилганлиги бу тарихий ўзгариш, янги даврнинг бошланиши десак муболаға бўлмайди.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Адвокат мақомининг конституция даражасида мустақамланишининг туб аҳамияти нимада эди?

Адвокатура институтининг мавқеи Конституциявий даражада мустақамланаётганлиги ва суд процессининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида адвокат мақомининг белгиланаётганлиги, мазкур бобнинг “Суд ҳокимияти” бобидан кейин ва энг асосийси “Прокуратура” бобидан олдинда Конституцияда акс эттирилганлигини ҳам суд жараёнида тарафлар мақомини тенглаштириш йўлидаги, тортишув тамойилига ишни судга қадар юритиш босқичидаёқ амал қилинишига эришиш борасидаги олдинга ташланган қадам сифатида баҳолашимиз мумкин бўлади. Зеро, ишни судга қадар юритишда тортишув тамойили амал қилиши учун тарафлар тенглиги талаб этилади.

**Бу борада ҳимоячининг айблов тарафи билан тенг имкониятлардан фойдаланиши учун эса унинг ҳолис орган бўлган судга мурожаат қилиши орқали ўз имкониятларини кенгайтириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аммо амалда фаолият юритаётган судларга ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишувни назорат қилиш вазифасини юклаб бўлмаслигининг қуйидаги сабаблари мавжуд:**

**биринчидан,** *Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг статистик маълумотларига кўра, республикада фаолият юритувчи адвокатлар ҳозирда 4 577 нафарга яқин бўлиб, Республикада фаолият олиб борувчи судьялар сони эса 1 300 нафардан ортиқни ташкил этади. Бундан ташқари, судлардаги иш ҳажмининг юқори-*

лиги ҳам ишни судга қадар юритишда адвокатларнинг ҳар бир мурожаатини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш имкониятини бермайди;

**иккинчидан**, судьянинг айблов тарафи тўплаган далилларни баҳолашга киришиши жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг ҳолислигига шубҳа туғдиради. Шу сабабли ҳам гумон қилинувчи (айбланувчи) ни қамоққа олиш асосларини белгилаган судья унинг айблилиги масаласини ҳал қилиши мумкин эмас;

**учинчидан**, судьянинг ишни судга қадар юритишдаги ҳар қандай хулосаси муайян даражада айблилик масаласини ҳал қилади, бу эса келгусида ушбу шахсга нисбатан суд муҳокамаси жараёнида айблилик масаласини ҳал этишда судьянинг бетарафлигига даҳл қилиши мумкин.

Шу сабабли ҳам айнан ишни судга қадар юритишда тарафлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари ва процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда ҳолислик ҳамда беғаразликни таъминловчи жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тергов судьяси томонидан суд назоратининг амалга оширилиши ишни судга қадар юритишда ҳақиқий тортишув муҳитини яратади. Чунки, ҳимоячининг илтимосномасини ишни судга қадар юритувчи органлар ҳал қилмаслиги туфайли кучлар мувозанати яратилади. Бу ўз навбатида, жиноят процессида ҳимоячи мавқеининг ошишига, унинг исботлаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқи таъминланишига хизмат қилади. Сабаби, далилларни топиш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли илтимосномаси рад қилинган ҳолларда, тергов судьяси унга мазкур ҳуқуқидан фойдаланиш имконини кафолатлайди, шу билан бирга унинг кейинчалик ишни мазмунан кўриш мажбуриятидан халос этилиши унинг ички мустақиллигини таъминлайди, яъни унинг қабул қилган қарорига келгусида боғланиб қолишининг олдини олади.

Шу ўринда тергов судьясининг кимлиги ва унинг жиноят процессидаги мақомига тўхталиб ўтиш ўринлидир. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддаси 3-қисмига мувофиқ, тергов судьяси – тегишлича биринчи инстанция судининг раиси томонидан тайинланадиган, судга қадар терговга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланиши устидан суд назоратини амалга оширишга ваколатли судьядир.

Б.Мўминов тергов судьясига қуйидагича таъриф беради: “тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичида, ишни судга қадар юритиш



учун масъул органларнинг илтимосномалари ва манфаатдор шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш орқали шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланиши устидан суд назоратини амалга оширишга ваколатли судьядир”.

С.Адилов эса тергов судьяси ишни судга қадар юритиш жараёнида келиб чиқадиган масалалар юзасидан ҳолис ва мустақил ҳакам бўлиши мумкинлигини, чунки у кейинги суд инстанцияларида одил судловни амалга оширишдан четлатилган бўлишини эътироф этади.

Шу тариқа айтишимиз мумкинки, **тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичларида фаолият олиб борувчи, айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи мансабдор шахс ҳисобланади.** Ваколат доирасига кўра, тергов судьяси зиммасига Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кўрсатилган ишни судга қадар юритиш жараёнида суднинг қарори (ажрими) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатлар бўйича суд ваколатларининг барчаси ўтказилади. Энг асосийси эса, тергов судьясининг иш юзасидан ҳолисликни ва тарафлар тенглигини таъминлаши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, унга айблов тарафининг бир қатор ваколатлари, жумладан, қамоққа олиш (ёки уй қамоғи) эҳтиёт чорасини ўзгартириш, мол-мулкни хатлаш ва уни таъқиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахс, суриштирувчи ва терговчининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш каби ваколатларининг ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тергов судьясининг адвокат сўрови юзасидан мансабдор шахс томонидан рад жавоби берилган тақдирда, тегишли юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимояси остидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки нарсаларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳимоячи илтимосномасини кўриб чиқиш ва тегишли органларга сўров юбориш, ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг



илтимосномасига мувофиқ, қонун билан муҳофаза этиладиган сирни ташкил этувчи ҳужжатларни сўраб олиш ва ҳимоячига тақдим этиш, жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш каби ваколатларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

ЖПКнинг 377-моддаси ҳимоячи жиноят иши тамомланганидан сўнг ундаги материаллар билан танишиб чиққач, қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқи билан кафолатлансада, 99% ҳолларда терговчи томонидан илтимоснома асосиз рад қилинади. Дастлабки тергов давомида ҳимоячининг деярли барча илтимосномалари қаноатлантирилмай ҳимояланувчининг важларига етарлича эътибор қаратилмайди, ҳимоя ҳуқуқи расмиятчилик билан амалга оширилади. Тергов судьяси институтининг жорий этилиши эса далилларни бир ёқлама тўплаш амалиётига барҳам беради, далилларни тортишув муҳитида тўплаб, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончилиги таъминланишига хизмат қилади.

Ишни судга қадар юритишда тергов судьяси фаолиятининг йўлга қўйилиши бир томондан, ишни судга қадар юритишда тарафлар тортишуви тамойили амал қилишига имкон берса, иккинчи томондан далиллар баҳоланишининг ҳаққонийлигига эришиш имконини беради. Булар биргаликда биринчи инстанция судида тарафлар ўртасидаги эҳтимолий низоларни бартараф этилишини таъминлайди. Ҳуқуқшунос А.Давлетовнинг таъкидлашича ишни судга қадар юритиш босқичларида тарафлар тенглиги ва тортишув тамойили таъминланиши учун энг камида амалдаги дастлабки тергов тизимини тубдан ўзгартириш керак бўлади, тергов судьяси институтини жорий этиб, ҳимоя тарафига ҳам бир вақтнинг ўзида тергов қилиш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда исботлашда тарафларнинг тенг ҳуқуқлар билан таъминланиши талаб этилади.

Амалдаги қонунчиликда суд назоратини амалга оширишнинг самарали ва оптимал механизмлари яратилмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖПК 27-моддасида белгиланган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида белгиланган суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини чеклайди.

Тергов судьяси амал қиладиган хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, Германия, Бельгия, Греция, Ироқ, Испания, Нидерландия, Хорватия ва айниқса, Францияда ушбу институт ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Хусусан, Германияда тергов судьяси (участка судьяси) жиноят процессининг ўта муҳим бўғини бўлиб, унинг фаолияти Германия

адвокатлари учун катта имконият ҳисобланади. Тергов судьяси қамоққа олиш, тинтув ўтказиш, ДНК таҳлилларини ўтказиш, телефон-сўзлашув қурилмаларини эшитиш каби прокурор мурожаатлари юзасидан қарор қабул қилиш масъулиятини ўзига олади. Тергов судьяси фаолиятининг муҳим аҳамият касб этиши ўз ўрнида адвокат фаолиятига ҳам таъсир этади. У полиция ва прокуратура ҳаракатларини кўриб чиқади ҳамда ушбу органлар фаолиятининг мувофиқлиги ва қонунийлигини текширади. Шунингдек, полиция ҳаракатларини чеклайди, бу эса адвокатлар учун ўта муҳим аҳамият касб этади, чунки иш тергов судьяси қўлида бўлган вақтда ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чиқмагунча қарор қабул қилмайди, бу эса ҳимоячи фаолиятига ижобий таъсир этади ва ҳимоячига иш юзасидан прокуратурада мавжуд бўлган барча маълумотлар билан эртароқ танишиш имкониятини беради. Натижада, адвокат ҳимояни тўғри ва самарали амалга оширишга эришади. Шу орқали тарафлар тенг имкониятларда ҳаракатланиши мумкин бўлади.

Ҳозирда МДҲ ва бошқа давлатларда ҳам тергов судьяси институти жорий этилмоқда, айримлари (Арманистон)да эса тергов судьяси институти жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, тергов судьясининг қонунчиликка имплементация қилиниши – инсон ҳуқуқларининг самарали тарзда таъминланишига олиб келувчи тортишув тамойилининг кафолати сифатида намоён бўлиш билан бирга, ҳуқуқ тизимимизнинг шаклланиш асоси бўлган романо-герман ҳуқуқ тизимига яқинлашувига омил бўлади, десак муболаға бўлмайди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2020. Б. 249.
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (по сост. на 16.11.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>
3. Адилов С.А. Правовое положение следственного судьи в уголовном процессе Республики Казахстан. Дисс. ... канд. юрид. наук. Москва. 2018. С. 166. Предложения по концепции совершенствования системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан//[https://www.unodc.org/documents/centralasia/Uz\\_2018/UNODC\\_Criminal\\_justice\\_reforms\\_in\\_Uzbekistan\\_Apr\\_2018\\_EN.pdf](https://www.unodc.org/documents/centralasia/Uz_2018/UNODC_Criminal_justice_reforms_in_Uzbekistan_Apr_2018_EN.pdf)
4. 2018/UNODC\_Criminal\_justice\_reforms\_in\_Uzbekistan\_Apr\_2018\_EN.pdf
5. Смирнов А.В. Модели уголовного процесса. СПб. 2000. С. 52.
6. Давлетов А.А. Проблема состязательности решена в УПК РФ неудачно. Российская юстиция. 2003.
7. Рольник Г. «Следственный судья в Германии и его роль в деятельности адвоката-защитника» доклад на конференции «Пути обеспечения реализации прав защитника в досудебном производстве и необходимость в этом следственного судьи: за и против» из материалов сборника тезисов по итогам международной научно-практической онлайн-конференции. – Т.-2020.стр.7-8.
8. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

## МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ ИНСТИТУТЛАР ЗАРУРАТИ

### АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада маъмурий юстициянинг аҳамияти баён этилган бўлиб, маъмурий судлар фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарурати, улар фаолиятига замонавий ҳуқуқий институтларни жорий этиш ҳамда уларни ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳақида фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий юстиция, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, оммавий ҳокимият, маъмурий суд, суднинг фаол иштироки, суд қарори ижроси, суд жаримаси.

**Маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ишларни кўриб чиқишда судга тақдим этилган талабларни ҳамда ишнинг бошқа ҳолатларини исботлаш мажбурияти тарафларнинг ўзига юклатилган бўлиб, бунда жисмоний шахс ёки тадбиркорлик субъекти ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органи, яъни тўлиқ бюрократик аппарат билан судлашиши лозим бўлади.**

Бундай ҳолатда ҳуқуқи бузилган оддий жисмоний шахс ёки тадбиркорлик субъектининг ўз талабларини ва ишнинг бошқа ҳолатларини исботлаб бериши давлат органига қараганда бирмунча қийин кечади.

Мазкур нотенглик маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда тарафлар мақомининг бир хил эмаслигини кўрсатмоқда.

Бу бўйича ўрганилган маълумотлар таҳлили Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа тузилмаларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш кўрсаткичи камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

**Агар 2018 йилда маъмурий судлар давлат органи қарори ёки мансабдор шахс ҳаракати устидан 17 424 та шикоятни кўриб чиққан бўлса, бу рақам 2019 йилда 16 255 тани, 2020 йилда 15 066 тани, 2021 йили 15 146 тани, 2022 йилда эса 15 344 тани ташкил қилган.**

**Маъмурий судларга мурожаат қилиш кўрсаткичи Ўзбекистон Республикасида ҳар 1 000 нафар фуқарога 0,5 тани ташкил этса, бу кўрсаткич Россияда – 1 та, Қозғистонда – 1,4 та, маъмурий суд ривожланган мамлакатларда эса – 2 тадан 5 тагачани ташкил қилади.**

Мазкур рақамлар таҳлили асосида маъмурий суд иш юритувининг самарадорлиги пастлиги ҳамда бундай ҳуқуқбузарликларда юқори латентлик мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, илмий доира ўртасидаги фикрлар ҳам маъмурий судларнинг айнан ҳуқуқий ҳимоя вазифасига қаратилган ҳолда шакллантирилган. Албатта маъмурий судлар фаолиятида “оммавий ҳокимият билан муносабатларда ҳокимиятга эга бўлмаган субъектлар (фуқаро, яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс)ни ҳуқуқий ҳимоя қилиш гоёси” мавжудлиги фактини рад этиш мумкин эмас.

Президентимизнинг 2022 йил 29 январдаги “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш тартибининг процессуал қонун ҳужжатларига киритилиши белгиланган.

Таъкидлаш керакки, маъмурий судлар томонидан “суднинг фаол иштироки” тамойили асосидаги фаолият самарали амалга оширилиши учун уни ташкилий жиҳатдан таъминлаш талаб этилади.

Бугунги кунда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёни қоида тариқасида тарафлар зиммасига айрим процессуал ҳаракатларни (масалан, зарур далилларни тақдим этиш) амалга ошириш мажбуриятини юклаш ҳақидаги ажримни чиқариш ва уни тарафларга юбориш билан чекланади. Судья ёрдамчиси эса бундай суд ажримини тайёрлайди, судья томонидан имзоланишини таъминлайди ҳамда бу ажримни тарафларга юборади.

Маъмурий суднинг “суднинг фаол иштироки” тамойили асосидаги фаолиятини самарали амалга оширилишини таъминлаш учун, фикримизча, айнан шу жараёнда судья ёрдамчисининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиб, унга айрим ҳаракатларни бажариш ваколатларини бериш лозим.

Бунда судья ёрдамчиси тарафлар ёки вакилларни бир пайтга чақирган ҳолда улар билан дастлабки суҳбатни ўтказиб, судга билдирилган талабларни аниқлаштириш, давлат органи ёки мансабдор шахс-



нинг важларини эшитиш, суҳбат натижасида талаблар ва важларни мустақамлаш учун қўшимча равишда айнан қандай далилларни тақдим қилиш кераклиги чораларини кўради. Зарурат бўлганда, аризадан далилларни олишда кўмаклашиш бўйича илтимосномаларни олиб, иш ҳужжатларига қўшиб қўяди.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида судья ёрдамчисига бундай ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларининг берилиши маъмурий судлар фаолиятини самарали амалга ошириш учун ташкилий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, маъмурий суднинг қарори у қонуний кучга кирганидан сўнг ижрога қаратилади. Бунда суд қарорининг ижроси айнан чиқарилган қарор асосида ёки пул маблағларини ундириш масаласи белгиланган бўлса, ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Таъкидлаш керакки, давлат органи, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарори ҳақиқий эмас, мансабдор шахс ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф деб топилган тақдирда, қоида тариқасида, суд қароридан пул маблағини ундириш билан боғлиқ масала бўлмайди. Шу сабабли қарор бўйича ижро варақа берилмайди.

Бунда суд қарори қонунга хилоф қарорни чиқарган давлат органи, ҳаракатни (ҳаракатсизлик) содир этган мансабдор шахсга ижросини таъминлаш учун юборилади. Бироқ, бундай суд қарорларининг давлат органи ёки мансабдор шахслари томонидан ихтиёрий равишда ижро этилиши устидан таъсирчан назорат механизмлари белгиланмаганлиги сабабли, улар кўп ҳолатларда ижро этилмасдан қолмоқда.

**Ўрганилган маълумотлар таҳлиliga кўра 2021 йилда маъмурий судларнинг 5 331 та ҳал қилув қарорларида давлат органларига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича мажбуриятлар юклатилган бўлса, уларнинг 2 905 таси (54,5 фоиз) ижро этилгани ҳақида судларга тегишли ахборот берилмаган. Бу рақамлар 2022 йилда тегишлича 6 248 та ва 3 748 тани (60 фоиз) ташкил қилган.**

Президентимизнинг ПҚ-107-сонли қарорининг 2-бандида маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органи ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш тартибининг белгиланиши ушбу ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади, деб қайд этилган.

Фикримизча, маъмурий судларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун ушбу судлардаги суд ҳужжатлари ижроси мониторинг бўлимлари имкониятларидан фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Олий суднинг Ташкилий-назорат бошқармаси таркибида Суд ҳужжатлари ижроси мониторинг бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида эса 1 та штат бирлигидан иборат бўлган суд ҳужжатлари ижроси мониторинг бўлимлари мавжуд.

Олий суд Раёсатининг 2020 йил 26 ноябрдаги РС-57-20-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ташкилий-назорат бошқармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандида бошқарманинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилган бўлиб, суд ҳужжатлари ижроси мониторинг соҳасида судлар томонидан қабул қилинган ҳамда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари доирасида ижро этилиши талаб этиладиган суд ҳужжатларини процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ чиқарилиши, манфаатдор шахсларга ва Мажбурий ижро бюроси органларига юборилиши ҳамда ижро этилишига доир фаолият натижалари юзасидан мониторинг тадбирларини олиб бориши белгиланган.

Давлат органи ёки маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа идоралар томонидан маъмурий судлар қарорларининг ижро этилишини мониторинг қилиш ҳам айнан Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларидаги суд ҳужжатлари ижроси мониторинг бўлимлари томонидан амалга оширилади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 48-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судларининг ваколатлари санаб ўтилган бўлиб, унда айнан суд қарорлари ижросини мониторинг қилиш билан боғлиқ фаолият кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, маъмурий судларнинг бу йўналишдаги фаолияти суд қарорларининг барча учун мажбурийлигини ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шартлигини таъминлаш билан бир қаторда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу эса маъмурий судлар фаолиятининг бугунги кундаги аҳамиятини кўрсатиб беради.

Шу сабабли “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 48-моддаси биринчи қисмини **“суд ҳужжатлари ижросини мониторинг қилади”** мазмунидаги олтинчи хатбоши билан тўлдириш ва олтинчи хатбошини тегишлича еттинчи хатбоши деб ҳисоблаш таклиф этилади.

**Шахриёр БАКАЕВ,**

*Тошкент давлат юридик университети  
мустақил тадқиқотчиси.*

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Панова И.В. Административная юстиция сегодня: административное судопроизводство // Вестник Уральского института экономики, управления и права. 2017. № 1 (28). С. 23.
2. Президентимизнинг 2022 йил 29 январдаги “Давлат органи билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://www.lex.uz/docs/35841287>.
3. Олий суд расмий веб-сайти – [stat.sud.uz/mib.html](http://stat.sud.uz/mib.html).

## ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК ИНСТИТУТИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД АМАЛИЁТИ МУАММОЛАРИ

**Илгор хоржий тажрибани инобатга олган ҳолда, янгида шаклда 2022 йил 12 апрелда банкротлик соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Унда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги соҳасидаги муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш белгиланди.**

Қонунда тўловга қобилиятсизлик тушунчасига унинг суд томонидан эътироф этилиши, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги дея таъриф берилди ҳамда тўловга қобилиятсизлик аломатлари вақтинчалик ҳамда доимий тўловга қобилиятсизлик каби икки гуруҳга ажратилиб, уларнинг ҳуқуқий мезонлари белгилаб берилди. Эндиликда ушбу аломатлар мавжуд бўлганда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш кредиторлар, қарздор ва қонун билан ваколат берилган шахсларнинг аризаси асосида иқтисодий суд томонидан қўзғатилиши мумкин.

Қонунда қарздорга нисбатан суддан ташқари бажариладиган тартиб-таомиллар сифатида судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш (фаолиятини тугатиш) назарда тутилди ҳамда суд томонидан қўлланиладиган тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари сифатида кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ҳамда тугатишга доир иш юритиш белгиланди.

Қонуннинг ўзига хос янги талабларига кўра, қарздорда вақтинча тўловга қобилиятсизлик аломатларининг мавжудлиги тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ва тўловга қобилиятсизликни тиклаш тартиб-таомилларидан бирини қўллаш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга асос бўлиши мумкин ва бунда суд томонидан кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув тартиб-таомилларидан бири қўлланилади.

Вақтинчалик тўловга қобилиятсизлик бўйича қўлланилган тартиб-таомиллар самара бермаганда уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомиллини бошлаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш учун асос бўлиши белгиланди.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича иқтисодий суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарор; қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор; тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим; суд санацияси тартиб-таомиллини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим; ташқи бошқарув тартиб-таомиллини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим; тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим; келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим каби суд ҳужжатларидан бирини қабул қилади.

Шу билан бирга ушбу қонунчиликдаги такомиллашувлар билан бирга суд амалиёти таҳлиллари шундан далолат берадики, иқтисодий судларда тўловга қобилиятсизлик борасидаги ишлар кўлами йил сайин ошиб бораётганлиги, ушбу муносабатни тартибга солувчи қонунчилик моддий ва процессуал ҳуқуқ

нормаларни мужассам этган ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги, кредиторларнинг талабларини тўлиқ қаноатлантирилмаслик оқибатида аксарият тўловга қобилиятсизлик ишлари қарздорни банкрот деб топиш ва уни тугатиш билан яқунланаётганлиги, тўловга қобилиятсизлик институтининг барча тамойилларида бахсли ҳолатларнинг мавжудлиги бу борада ягона суд амалиётини йўлга қўйиш учун қонунчиликни тизимли равишда такомиллаштириб бориш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотларни кенгайтириш заруратини кўрсатмоқда.

Шу боис, тўловга қобилиятсизликка доир қонунчилик ва суд амалиётини янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан қуйидагилар таклиф этилади.

**Биринчидан**, тўловга қобилиятсизлик институтининг маҳсус субъектларидан бири суд бошқарувчилари бўлиб, амалдаги қонун меъёрларида уларнинг ҳуқуқий мақомига ва номланишига аниқлик киритиш ва қонунчиликни улар фаолиятининг мазмунидан келиб чиқиб такомиллаштириш лозим.

Суд амалиётидаги мавжуд таҳлиллар ва ҳуқуқий муносабатлардаги низолар шуни кўрсатмоқдаги амалдаги Қонунда қўлланилган “суд бошқарувчиси” институтини ислоҳ қилишни бугунги давр ва ислохотлар мазмуни талаб этади. Чунки, суд бошқарувчиси институти қонунчиликда кенг қўлланилиб келинсада, бироқ ушбу ном билан аталиши қайси мезон ва тамойилларга асосланганлиги изоҳланмаган. Суд бошқарувчиси суднинг ажрими билан тайинланган шахс бўлганлигининг ўзи уни ушбу ном билан аталишига асос бўлмайди, аввало унинг фаолияти мазмуни-моҳияти, вазифалари ва мажбуриятлари ҳатто манتيқийлик жиҳатдан ҳам “қарздорни бошқарувчи” саналади.

Қонунчиликда “суд бошқарувчиси” атамасининг қўлланилганлиги суд соҳаси вакиллари учун тушунарли бўлиши мумкин, бироқ, бир қанча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, кенг халқ оммаси учун “судни бошқарувчи шахс” маъносидagi тушунчанинг шаклланиб қолишига замин яратмоқда. Мазкур атаманинг қўлланиши айрим ҳолатларда фирибгарлик асосида суд номидан турли қонунбузилиш ҳолатларининг содир этилишига, судга нисбатан жамиятда турли салбий, ноҳолис фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу боис, “суд бошқарувчиси” атамасини қайта номлаб “қарздор бошқарувчиси” тарзида қўллаш, “суд бошқарувчиси” атамасини қонунчиликдан чиқариш, амалдаги Қонуннинг 3-моддасидаги тушунчани “қарздор бошқарувчиси” (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси, молиявий бошқарувчи) — тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини ўтказиш учун суд томонидан тайинланадиган шахс” тарзида ўзгартиш таклиф этилади.

**Иккинчидан**, суд бошқарувчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, уларнинг тўловга қобилиятсизлик жараёнларида кредитор ва қарздорга нисбатан бетараф бўлиши, уларнинг



қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиб ҳаракат қилишдаги масъулиятини ошириш, шу билан бирга жавобгарлигини аниқ белгилаш билан боғлиқ амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш лозим.

Зеро, суд бошқарувчилиги бу тадбиркорлик фаолияти эмас, балки суд томонидан тайинланадиган тўловга қобилиятсизлик институтининг махсус субъекти бўлиб, мулкдорга, муассис (таъсисчи)лар, кредиторларга хизмат кўрсатувчи, аввало уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиб, корхонани соғломлаштириш чорасини кўриб ҳаракат қилувчи кредиторлар вакили саналади.

Қонуннинг 59-моддасига кўра, кредиторларнинг талабларини қондириш учун алоҳида махсус субъект— навбатдан ташқари ундирувчилар бўлиб, уларга суд харажатлари, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилган. Суд амалиётида қарздорнинг мол-мулки сотилиши ёки ундирилган маблағлар ҳисобига кредиторни қондириш учун келиб тушган маблағлар суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлардан ортмаслиги бошқа кредиторларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишга, уларнинг ҳақдорликлари амалда таъминланмаслиги билан боғлиқ ҳақли эътирозларига сабаб бўлади.

Чунки, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар тизими кенглиги, уларнинг қайси мезонларга кўра белгиланиши қонунчиликда тартибга солилмаганлиги боис, қарздорга келиб тушган маблағ асосан суд бошқарувчи харажатлари қопланиши билан тугатилишига асос бўлмоқда.

**Учинчидан**, тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги муносабатларда барча амал қилиши лозим бўлган, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳаракатларнинг асосий қоидаларини, тартиб тамойилларини белгилаб берадиган ушбу муносабатларига доир иш юритишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш, тартибга солилмаган муносабатларга нисбатан қонун аналогияларини қўллашни белгилаш таклиф этилади.

Чунки, тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги муносабатларнинг мураккаблиги шундаки, ушбу жараёндаги барча ижтимоий муносабатларни, томонларнинг ҳаракат мезонларини қонун билан тўлиқ тартибга солиб бўлмайди. Шу боис, тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги муносабатларга доир иш юритишда қонунчиликда мавжуд умумий тамойиллар билан бирга фақат тўловга қобилиятсизлик институти учун хос бўлган махсус тамойиллар ҳам мавжудки, уларнинг қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши мазкур соҳадаги қонунан тартибга солилмаган ёки янги вужудга келган амалиёт муаммоларини тартибга солишнинг умумий мезонлари, чегараларини белгилаб беришга хизмат қилади.

Суд бошқарувчиси тўловга қобилиятсизликнинг ҳар бир тартиб-таомилида қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб инсоф билан ва оқилона иш олиб бориши шартлиги нафақат суд бошқарувчи учун мажбурийат балки, тўловга қобилиятсизлик институтининг махсус тамойили бўлиши лозим.

Суд амалиётида кредиторлар рўйхатига киритиш бўйича йиғилиш чақиритиш сўраб ҳуқуқлари бузилиб келинаётган аризачиларнинг мурожаати турли ва жамиятлар сабаб таъминланмасдан суд бошқарувчи асоссиз вақтни узайтириб бориши бўйича ҳаракатларига қонуний баҳо бериш бўйича эътирозлар суд томонидан кўриб чиқилмоқда ва тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Ваҳоланки, тўловга қобилиятсизликка доир қонунчиликда барча ижтимоий муносабатларни тўлиқ белгилаб бўлмадлиги

боис, амалдаги қонунга қонун аналогиясини (қонун аналогияси — тегишли ишларни шу ишга ўхшаш бўлган қонун билан ҳал қилиш) қўллашни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу қонунчиликдаги “бўшлиқлар”ни, махсус қонунчиликда мустаҳкамланмаган масалаларни тўлдириш, низоларни ўз вақтида ҳал этиш имкониятини беради.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш ва унда ягона суд амалиётини юритиш бўйича тегишли тушунтиришлар бериш таклиф этилади.

**Тўртинчидан**, банкротликка доир кредиторларнинг талабларини қондириш навбатини қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб, инсоф билан ва оқилона ҳамда ижтимоий адолат нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим. Чунки суд амалиётида бу борада қарздор ва кредиторларнинг суд бошқарувчилари томонидан ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари учраб турибди.

**Бешинчидан**, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан шаклланган қарздорликлар бўйича яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар ўзини ўзи банкрот деб топишни сўраб судга мурожаат қилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Мазкур ҳолатда яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ва юридик шахсларнинг ўзи солиқ ва бошқа мажбурий тўловдан қарздорлиги важи билан судга мурожаат қилиб, банкрот деб топишни сўраши ҳуфиёна иқтисодийнинг шаклланишига ва бошқа кредиторларнинг манфаатларига жиддий путур етишига сабаб бўлади.

Шу боис, амалдаги Қонуннинг 7-моддаси учинчи хатбошисини “Қарздор солиқлар ва йиғимлар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарзи бўлган юридик шахсларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) эга бўлади” тарзда ўзгартириш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, тўловга қобилиятсизлик институтининг мавжуд қонунчилик ва суд амалиёти муаммолари асосида такомиллашиб бориши — қонунларнинг аниқ ва бир хилда қўлланилишини, ҳуфиёна иқтисодийнинг олдини олиш ва жамиятда иқтисодий барқарорликнинг таъминланишига, корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш, корхона иқтисодий салоҳиятини кўтариш ва иш ўринларини сақлашда корхона раҳбари, мол-мулк эгалари ҳамда суд бошқарувчиларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга кўмаклашишга, тадбиркорлик субъектларини пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан оқилона фойдаланиш, тўлов ва шартнома интизоми мустаҳкамлашга, рақобат ва ишбилармонлик муҳитини янада шаффофлигини таъминлашга мулкдорлар, кредиторларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашди.

**Раҳматжон БЕРДИЯРОВ,**

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

# МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ: ЗАРУРИЯТ ВА ШАРТЛАР

**Маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий тамойиллари зарурати ва шартлари ҳақида фикр юритишдан олдин қонунчилик техникасининг энг муҳим ва ҳал қилувчи элементларидан бири бўлган асосий тамойиллар тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.**

Асосий тамойиллар – ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умуммажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис асосий Қомусимиздан бошлаб барча кодекс ва қонунларимизда асосий тамойиллар белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлими ҳам “Асосий принциплар” деб номланади. Бош Қомусимизнинг 16-моддасига асосан, “Ушбу Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва манфаатларига, ушбу Конституциянинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий принцип ва нормаларга зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас”.

Юридик фанлар доктори, профессор Х. Одилқориев “Принцип” тушунчасига “раҳбарий ғоя демақдир” деб таъриф бериб, конституциявий-ҳуқуқий тамойилларнинг аҳамиятини қуйидагича ифодалайди: “Конституциявий-ҳуқуқий принциплар мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг муҳим таркибий қисми, негизи ҳисобланади. Ушбу тамойиллар Конституциянинг бутун ички тузилишини, мазмунини қамраб олади, ижтимоий муносабатларни конституциявий тартибга солишнинг устувор йўналишлари, таянч мезонлари (талаблари)ни белгилаб беради”.

Россиялик ҳуқуқшунос олим А.С. Сидоркиннинг илмий мулоҳазаларига кўра, “қонун принциплари ҳақида гапирганда, улар ҳар қандай қонуннинг моҳиятини очиб бериш учун яратилганлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун барча ҳуқуқий ҳодисаларда принциплар албатта ифодаланган бўлиши керак. “Ҳуқуқ принципи” тушунчаси моҳият тушунчасидан келиб чиқилиши талаб этилади”.

Ҳуқуқшунос олим Н.Д.Эриашвилига кўра, “Ҳуқуқий принциплар давлат ва жамият ҳаётини тартибга солиш жараёнида қонунийликни таъминлашга хизмат қилади. Принцип – ўзаро муносабатларни тартибга соладиган қонуннинг ахлоқий асосидир”.

Ушбу таърифлардан келиб чиққан ҳолда қонунчиликда қўлланиладиган асосий принциплар тушунчасига қуйидагича юридик таъриф бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Асосий принциплар – норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳиятини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ва унинг ҳаётийлигини оширишга хизмат қиладиган энг муҳим ғоялар умумлашмасидир.

Асосий ҳуқуқ тамойилларини хусусиятларидан келиб чиқиб, шартли равишда иккита гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ: умумий тамойиллар. Бунга мисол тариқасида қонунийлик, одиллик, тенглик, мустақиллик, ошкоралик ва бошқаларни келтириш мумкин. Иккинчи гуруҳ: махсус

ёки соҳавий тамойиллар. Бу муайян бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган тамойиллардир. Буларга ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, ўзини ўзи бошқариш кабиларни киритиш мумкин.

Маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий тамойилларини белгилаш ва уни ривожлантириб бориш шу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг энг муҳим омиллари қаторига киради.

Лекин, моҳият эътиборига кўра бу жараён ниҳоятда мураккаб эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Мураккаблиги шундаки, маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида биринчидан, ўзаро тенг имкониятларга эга бўлмаган томонлар, яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида юзага келадиган низолар кўриб чиқиб, ҳал қилинади;

иккинчидан, давлат органларининг мансабдор шахслари билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида давлат бошқаруви муносабатларидан келиб чиқадиган маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқади;

учинчидан, давлат органларининг давлат бошқаруви функция ва вазифаларини амалга оширишлари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низоларни кўриб чиқиб, ҳал қилади;

тўртинчидан, бирон-бир маъмурий орган томонидан ноқонуний бошқарув актини қабул қилиш факти юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг норозилиги сабабли вужудга келадиган низоларни кўриб чиқади.

Юқорида санаб ўтилган маъмурий суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда белгиланган асосий тамойилларни таҳлил қиламиз. Мазкур Кодекснинг 2-боби “Маъмурий суд ишларини юритиш принциплари”га бағишланган бўлиб, ундаги 9 та моддада 9 та асосий принцип белгиланган бўлишига қарамаздан, маъмурий суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари талаб этадиган баъзи бир тамойиллар инобатга олинмаган. Амалдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда белгиланган асосий принциплар умумий характерга эга бўлиб, уларни барча судларга асосий принцип сифатида белгилаб қўйиш мумкин. Масалан, ушбу кодекснинг 8-моддасида назарда тутилган “Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши” тамойили Ўзбекистон Конституциясининг 130-моддасида “Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади” деб белгиланган.

Бундан ташқари, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда белгиланган 5 та асосий принциплар, жумладан 9-модда “Қонун ва суд олдида тенглик”, 10-модда “Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсун-

ши”, 12-модда “Маъмурий суд ишлари юритиладиган тил”, 13-модда “Суд муҳокамасининг ошкоралиги”, 16-модда “Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги” тамойиллари “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонундан кўчириб олинган. Аҳамиятлиси, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ушбу тамойилларни барча судлар (фуқаролик, жиноят, иқтисодий) га ҳам асосий тамойил сифатида қўллаш мумкин.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ: Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 9-моддаси “Қонун ва суд олдида тенглик” тамойили ҳақида бўлиб, унда асосан низолашаётган тарафларнинг биттаси жисмоний ёки юридик шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тўғрисида гап боради. Ваҳоланки, маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида иккинчи тараф, яъни маъмурий органлар ёки уларнинг мансабдор шахслари иштирок этади. Ушбу моддада иккинчи субъектнинг қонун ва суд олдида тенглиги ҳақидаги норма назарда тутилмаган.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик ғояларидан бирига айланган “Инсон қадрли учун” тамойили асосида асосий Қомусимизга киритилган концептуал ўзгариш “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади” (20-модда) нормасини тўғридан-тўғри қўллашда маъмурий судлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг шикоятини кўриб чиқишда, давлат органлари ва мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига улар томонидан конституциявий нормаларга нечоғлик риоя этилганлигидан келиб чиқиб баҳо беришлари, қонуний қарор қабул қилишлари лозим бўлади. Олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлган Конституция даражасида давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилишининг белгиланиши фақатгина айрим соҳавий қонунчиликда эмас, балки барча соҳаларда қўлланиши лозимлигини аниқлатади.

Ушбу муҳим конституциявий қоида маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий тамойиллари қаторига ИН-СОНПАРВАРЛИК принципини киритишни тақозо этади. Зеро, мазкур тамойил маъмурий суд ишларини юритишнинг ўта муҳим таркибий қисми сифатида, унинг мазмун-моҳиятини қамраб олиб, давлат органлари билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган низоларни кўриб чиқишда таянч мезонлардан бирига айланади. Шу маънода инсонпарварлик принципини маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳаётийлигини белгилаб берадиган таъсирчан ҳуқуқий воқелик, ижтимоий адолат ўрнатилишига омил бўладиган қадрият, деб эътироф этиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси тўртинчи хатбошида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги билан боғлиқ нормада давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Бундан келиб чиқадики, маъмурий суд ишлари юритишнинг асосий тамойиллари қаторига мутаносиблик принципини ҳам киритиш талаб этилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий принципларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклиф-мулоҳазаларни билдирамиз:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 2-бобида 16<sup>1</sup>-модда қилиб инсонпарварлик тамойилини киритиш:

**16<sup>1</sup>-модда. Инсонпарварлик принципи**

**Маъмурий органлар билан фуқаролар ўртасидаги низоларни кўриб чиқишда одил судлов инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият эканлигига асосланган ҳолда кўриб чиқилади.**

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 2-бобида 16<sup>2</sup>-модда қилиб мутаносиблик тамойилини киритиш:

**16<sup>2</sup>-модда. Мутаносиблик принципи**

**Давлат органлари билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашда маъмурий суд ишларини юритиш мутаносиблик принципига асосланади.**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 9-моддасини қуйидаги иккинчи хатбоши билан тўлдириш:

**Маъмурий ишлар бўйича одил судлов маъмурий органларнинг тури ва мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.**

Таклиф этилаётган ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига киритилиши одил судловнинг энг асосий мақсади бўлган инсонпарварлик ва адолатпарварликни амалда таъминлашга хизмат қилади. Пировард натижада ҳуқуқнинг субъекти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари суд орқали қафолатланишига эришилади.

**Бахтиёр ҚИЛИЧОВ,**

*Судьялар олий мактабининг мустақил изланувчиси.*

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Х.Одилқориев., “Конституция ва ижтимоий давлатчилик” – Тошкент: Yuridik adabiyotlar Publish., 2022 й. – 420 бет., 62-бет. А.С.Сидоркин., Принципы права: понятие и роль в правовом регулировании., Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2009, № 4., <https://cyberleninka.ru/article/n/printsipy-pravoponyatie-i-rol-v-pravovom-regulirovanii/viewer>
3. Н.Д.Эриашвили., Ю.А.Иванова., Т.Ю.Радченко., Принципы права и их значение в правовом регулировании., “Образование и право” № 7 • 2020., <https://cyberleninka.ru/article/n/printsipy-prava-i-ih-znachenie-v-pravovom-regulirovanii/viewer>.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси., <https://lex.uz/docs/3527353>.
5. “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони., <https://lex.uz/docs/5841063>.
6. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни., <https://lex.uz/docs/3492199>.
7. Юридик луғат., Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали., <https://huquqiportal.uz/>.

# ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

**Жиноятда иштирокчилик институтининг тушунчаси ва белгилари масалалари етакчи олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддасида "Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади", - деб таъриф берилади.

**Демак, қонун чиқарувчи томонидан берилган таърифдан келиб чиқиб, иштирокчиликнинг бир қатор белгиларини ажратиб олиш лозим бўлади:**

1. Жиноятни содир этишда ёки унга тайёргарлик қўришда камида икки шахснинг иштироки;
2. Жиноятни содир этишга нисбатан қасднинг мавжуд бўлиши;
3. Иштирокчиларнинг жиноят содир этиш мақсадида биргалашиб ҳаракат қилиши.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятда ўз номидан кўриниб турибдики, камида иккинчи шерикнинг бўлиши талаб этилади. Бу қонун чиқарувчи томонидан қўйилган мажбурий шарт эканлигини профессор М.Х.Рустамбоев ҳам кўрсатиб ўтади. Иккинчи иштирокчи бўлмаганида иштирокчилик ҳам мавжуд бўлмайди. Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда, қасд масаласи асосий масалалардан биридир. Икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган қилмишда жиноят белгилари мавжуд бўлиб бу қасддан содир этилмаган бўлса, бундай жиноятни иштирокчиликда содир этилган жиноят деб топиш мумкин эмас.

С.В.Афиногеновнинг фикрича, "Қонуннинг иштирокчилик-қасддан биргалашиб содир этилган жиноят деб белгилаб бериши, иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг ҳам қасддан бўлиши тўғрисидаги ҳаволани кераксиз қилиб қўяди".

Юқоридаги фикрдан хулоса қилиш мумкинки, эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи жиноятчиликка қарши курашда иштирокчилик институтини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамиятини Жиноят кодексига ушбу жиноятга нисбатан алоҳида модда белгилаш орқали кўрсатиб ўтади.

Жиноятда иштирокчиликнинг муҳим белгиларидан бирибу иштирокчиларнинг сон кўрсаткичидир. Бунда икки ва ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб, ягона мақсадни кўзлаган ҳолда ҳаракатланиши иштирокчиликнинг зарурий белгисидир. Бир неча шахснинг тасодифан бирлашиб қолиши ва жиноятни олдиндан келишмасдан содир этиши ёхуд бир неча шахс бир-биридан мустақил равишда бир мақсад йўлида ҳаракат қилиши каби ҳолатлар иштирокчиликни истисно этади, яъни бундай ҳаракатлар учун Жиноят кодексининг 27-моддаси орқали жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Профессор А.С.Якубов жиноятда биргаликда иштирок этиш қуйидагиларни билдиради дея таъкидлайди: ҳар бир иштирокчининг қилмиши бошқа иштирокчилар қилмишини амалга оширишининг зарурий шarti ҳисобланиб, улар бир-бирини тўлдирдилар; барча иштирокчиларнинг қилмишлари бажарувчи содир этаётган жиноят билан сабабий боғланишга эга бўлиши керак; юзага келган жиноий оқибат барча иштирокчилар учун умумий ва ягона ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, жиноятни иштирокчиликда содир этилган деб топиш учун ҳар бир жиноят иштирокчисининг ҳаракатлари, яъни ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ва бажарувчиларнинг қилмишлари бир-бирига яқиндан кўмак беради ва бунинг оқибатида жиноятни содир этиш энгиллашади, айни вақтда ушбу қилмиш натижасида юзага келган жиноий оқибатни барча иштирокчилар истаган ва айнан унинг юзага келиши учун "асстойдил" ҳаракат қилган бўлиши лозим.

Одатда, иштирокчилар фаол ҳаракат қилишади. Аммо, баъзи ҳолларда шахс ундан талаб этиладиган ҳаракатларни содир этмаслик йўли билан, яъни ҳаракатсизлик кўриниши билан жиноятнинг иштирокчисига айланиши мумкин. Масалан, шахс олдиндан тил бириктирган ҳолда ўзи қўриқлаши лозим бўлган жойни очиқ қолдиради ва ушбу ҳаракатсизлиги билан жиноят содир этилишига кўмаклашади, яъни бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишига зарур шароитни яратиб беради.

Профессор Р.Қобулов жиноят қонунчилигини таҳлил этган ҳолда жиноят субъекти фақатгина жисмоний шахслар бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади.

Шахс иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг субъекти бўлиши учун конкрет жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши, ақли расо бўлмоғи, яъни ўз ҳаракатлари ва унинг ижтимоий оқибатини англаб етган бўлиши керак.

Иштирокчиларнинг мақсад ва мотивлари одатда бир-бирига мос келади, баъзида бу бир хил бўлмаслиги ҳам мумкин.

Жиноятнинг мотив ва мақсадлари турли иштирокчиларда бошқа-бошқа бўлганида бу шахсларнинг жиноий ҳаракатларини тўғри тасниф қила олиш муҳим аҳамият касб этади. Жиноятнинг мотив ва мақсади жиноят таркибининг мажбурий белгиси эканлиги ёки эмаслиги таснифга таъсир этади.

Агарда жиноят иштирокчилари бажарувчининг мақсади ва мотивини билишмаган бўлса, уларнинг ҳаракатлари ўз мақсад ва мотивлари учун тасниф қилинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар фақат қасддан содир этилади. Эҳтиётсизлик натижасида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас. Иштирокчилик ҳамма вақт ҳам фаол ҳаракат билан содир этилмайди, баъзида бу ҳаракатсизлик оқибатида ҳам содир этилиши мумкин.

**Сирожиддин ҚУВВАТОВ,**  
Жиззах вилоят суди судьяси.

## Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Рустамбоев М.Х. Жиноят кодексига шарҳлар.(Умумий қисм). "Илм зиё". 2006.
- 2.Жиноят ҳуқуқи. Дарслик.-Т.:Адолат.2003,209-б.
- 3.Афиногенов. В.С. Соучастие в преступлении (понятие,виды и формы). Автореф.дис.канд.юрид.наук. -М.,1991.с.16.
- 4.Жиноят ҳуқуқи.Дарслик.-ЎзР ИИВ Академияси. -Т., 2005.232-б.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ОЛИЙ БУРЧ

Халқаро ҳуқуқий шартномалар тизимида инсон ҳуқуқлари соҳасида 1 200 дан ортиқ ҳужжатлар мавжуд бўлиб, буларнинг аксариятини БМТнинг ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил қилади. Универсал тизим билан биргаликда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида минтақавий тизим ҳам фаол шаклланиб бормоқда. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари борасида Европа, Америка ва Африка тизимлари ривожланган тизимлар сирасига киради.

Ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги 60 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган. Умумтан олинган амалиётга мувофиқ, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилган ҳар бир давлат унинг нормаларини ўз миллий қонунчилигида акс эттириши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши натижасида халқаро ҳуқуқ меъёрларининг миллий ҳуқуқий тизимга имплементацияси босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Натижада бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари халқаро ҳуқуқ меъёрларига жавоб берадиган ҳолатга келтириш учун қайта кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири, 1995 йилда Омбудсман институти, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили фаолиятининг ташкил этилишидир. Омбудсман – алоҳида шахс ёки бир гуруҳ шахслар бўлиши мумкин. У ўзининг конституциявий ваколатлари доирасида ёки махсус қонун асосида фаолият кўрсатувчи парламент томонидан тайинланади. Мазкур ҳуқуқ институтининг асосий вазифаси ўзини давлат маъмуриятининг ноқонуний ҳаракатлари жавбланувчиси деб билган алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Шунга кўра, жабрланган шахс ва ҳукумат ўртасида ҳолис воситачи сифатида фаолият кўрсатади.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони Омбудсман институтини янги даражага олиб чиқиб, инсон ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида барча жабҳада ўзгача қиёфа касб этди.

Чунки, мазкур фармондан кўзланган мақсад, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича мустақил миллий институт сифатидаги аҳамиятини янада ошириш, Омбудсман фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларини ва ҳудудлардаги иштирокини кенгайтириш, Омбудсман фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш эди.

Ушбу фармонга мувофиқ Омбудсманнинг қуйидаги йўналишлардаги фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашдаги энг устувор вазифа этиб белгиланган:

➔ *инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишда иштирок этиш;*

➔ *давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томо-*

*нидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш;*

➔ *инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши кафолатларини уларнинг бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш орқали таъминлаш;*

➔ *инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари меъёр ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;*

➔ *ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноққа солиш ҳамда бошқа ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомаланинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш;*

➔ *инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда текшириш;*

➔ *аҳоли орасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва миллий қонунчилик нормаларини тарғиб қилиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онгги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашиш;*

➔ *инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.*

Шунингдек, Президентимизнинг 2023 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини алоҳида таъкидлаш лозим.

Зеро, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам зарурдир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga кўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ислохотларнинг устувор йўналиши деб белгиланган мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида, айниқса, суд-ҳуқуқ идораларига қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда улкан масъулият юклайди.

**Санжар АЛЛАБЕРДИЕВ,**

*Сурхондарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси.*

## МЕДИАЦИЯНИНГ ТАН ОЛИНГАН ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛЛАРИ

*Медиацiя қуйидаги халқаро тан олинган тамойилларга асосланади:*

**Бетарафлик ва ҳолислик тамойили.** Медиатор ва тарафлар ўртасида яқин натижага эришишни таъминловчи медиацiянинг асосий жиҳатларидан биридир. Медиацiя жараёнларининг бетарафлиги медиаторга тарафларга ўз талаб ва қизиқишларини очиқ билдириш, ҳамкорлик руҳида бошқа тараф билан ишлаш ва олиб борилаётган музокарага ишонч билдириш имкониятини беради. Бунда медиатордан ҳақдорни ёки вужудга келган низонинг сабабчисини қидириш талаб этилмайди.

**Ихтиёрлик тамойили.** Тарафларнинг медиацiя жараёнларига ўз ихтиёрлари билан қўшилиши, келишув имзолангунга қадар жараёндан чиқиши, келишув қандай шартлар ва усулларда бўлиши уларнинг ўзаро яқин қарорлари асосида амалга оширилади. Бунда медиатор тарафлар номидан қарор қабул қилмайди. Ушбу тамойилнинг асосий хусусияти шундаки, медиацiя жараёнларида ҳар бир тараф ўзига маъқул келган қарорни ўзи мустақил қабул қилади, қабул қилинган қарор ва унинг ижроси бўйича жавобгарлик тарафларнинг зиммасида қолади.

**Махфийлик тамойили.** Медиацiя махфийлик хусусиятига эга. Тарафлар ва медиатор медиацiя жараёнидаги муҳокамалар махфийлигини ва унинг ошкор этилмаслигини ўзаро келишувда ифодалайдилар. Унинг ноодатийлиги шундаки, медиацiя жараёнида қўлланилган ўзаро қайдлар, ёзишмалар, қўлёзмалар, видео ва аудио ёзувлардан медиатор келгусида ушбу иш бўйича суд низоси вужудга келган ҳолларда фойдалана олмаслиги учун медиацiя жараёни тугаганидан сўнг йўқ қилиниши мумкин.

Махфийлик медиацiя жараёнининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Чунки, тарафлар медиацiя жараёнининг махфийлиги ва маълумотларнинг ошкор этилмаслиги хусусида келишувга эришганларидан сўнг тарафлар ва медиатор ўзаро эркин суҳбатлаша олиши, ўзига тегишли ошкор этилиши лозим бўлмаган маълумотлардан фойдаланишлари мумкин. Бунда медиатор тарафларнинг ошкор этилиши мумкин бўлмаган маълумотлардан хабардор бўлгани ҳолда фойдаланиши келгусида унинг ўзига нисбатан тарафнинг ҳуқуқларини бузишда ифодаланган жавобгарликни белгилаш ҳақида судга мурожаат қилишга сабаб бўлади.

Воситачилик асосан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда вужудга келадиган низоларни ҳал этиш усули сифатида қўрилади. Бироқ, жохон харитасида давлатлар ўртасидаги низолар ҳам учраб турадики, уларни тинч йўл билан ҳал этиш зарурати пайдо бўлади. Бунда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва мавқеи асосий ўрин эгаллайди.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 2-моддаси тамойилларидан келиб чиқиб, БМТнинг барча аъзолари халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига қўймаслик учун ўзларининг халқаро низоларини тинчлик воситалари билан ҳал қилишга мажбур.

Низомнинг 33-моддасида ҳар қандай низода қатнашувчи томонлар бу низонинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига таҳдид соладиган бўлса, аввало низо-ни музокаралар юритиш, текшириш, воситачилик, ярашиш, арбитраж, суд йўли билан ҳал этиш ёки минтақавий органлар ёки битимларга мурожаат қилиш ёки ўз хоҳишларига қўра, бошқа

тинчлик воситалари билан бартараф қилишга интилишлари лозимлиги қайд этилган.

Низоларни ҳал қилишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири бу давлатлар ўртасидаги музокаралардир. Одатда, музокаралар юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш жараёнининг биринчи босқичи ҳисобланади.

Халқаро миқёсда медиацiя тартиб-таомилини ўтказиш давлатларнинг ҳуқуқ тизими доирасидаги медиацiядан унчалик фарқ қилмайди. Воситачи низолашаётган томонларга айбдорларни қидириш ўрнига, иккала томон учун ҳам мос келадиган муроасага келишни таклиф қилиши мумкин. Давлатлар ўртасида воситачилик тартиб-таомилларини ўтказиш тажрибасида асосан халқаро тижорат низоларини ҳал этишда воситачиликка эътибор қаратилади.

Мисол сифатида давлатлар ўртасидаги зиддиятларни қўриб чиқиш фойдалидир.

1978 йилда Чили ва Аргентина ўртасидаги Леннокс, Пиктон ва Исла-Нуэва оролларининг эгалик ҳуқуқига доир можаро пайтида Ватикан князлиги машҳур кардиналлардан бирини воситачи сифатида таклиф қилади. Ватикан буни иккала давлат ҳам католик бўлганлиги ва улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ҳарбий можарони истамаслиги каби икки сабаб билан изоҳлайди. Бошқа томондан, Рим папаси Жанубий Америкада вужудга келган айрим келишмовчиликларда доимий қатнашиб келгани учун ушбу низоли вазиятга ҳам аралашувни зарур деб ҳисоблайди. Яъни, воситачи номзодини қўрсатиш учун тарихий ва диний шартлар мавжуд эди. Кардинал Антонио Саморанин ҳаракатлари, шунингдек, католик черковининг нуфузи туфайли муқаррар бўлиб туюлган ҳарбий можаронинг олди олиниб, тарафлар "Тинчлик ва дўстлик" шартномасини тузишга эришадилар.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, давлатлар, одатда йирик мамлакатлар минтақага ўз таъсирини кучайтириш учун воситачи вазифасини бажарадилар. Собиқ Совет давлатининг 1965 йилда Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги можарода иштирок этиши бунга мисол бўла олади. Собиқ Совет давлатининг ўз таъсирини сусайтиришига йўл қўйиб бўлмаслиги сабаб ярашув тартиб-қоидалари ташкил этилди. Давлатлар ўзи ва томонлардан бири ўртасида бирон-бир мажбуриятга эга бўлса воситачилик натижалари кўзланган самара бермайди ва ушбу манфаат низоларни ҳал қилиш жараёнига таъсир қилиши мумкин. Шу сабабдан, Ҳиндистон ва Покистон ўртасида Кашмирнинг худудий мансублиги бўйича можарога Қўшма Штатлар ва Буюк Британия воситачи бўла олмадилар, шунинг учун воситачилик жараёнлари собиқ Совет иттифоқи томонидан амалга оширилди, чунки иккала томон билан муносабатлар ўрнатилган эди.

Медиацiя халқаро ҳуқуқда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида тўлиқ музокара қўрилишида намоён бўлса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда низоларни учинчи шахс ёрдамида фақат икки тарафнинг муқобил ечимга келишида воситачилик қўрилишида ифодаланади.

Шу сабабдан юридик адабиётларда медиацiя атамаси кўпроқ воситачилик атамаси билан бир мазмунда келади.

**Шерзодбек АРАББОЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ЖАЗОНИ ЎТАШ МУДДАТИ ЎТИБ КЕТГАНДА УНИНГ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

*Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги жазодан озод қилиш қонунда белгиланган муддатда ижро этилмаган тақдирда, жиноят содир этганлик учун ҳукм қилинган шахс-ни жазони ўташдан озод қилишни назарда тутаяди. Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларига ушбу норманинг киритилиши бир қатор омиллар билан белгиланади. Профессор М.Ҳ.Рустамбаевнинг таъкидлашича, “жазонинг ижро этиш муддати қонунда белгиланган муддат бўлиб, у ўтиб кетганидан сўнг, қонунда кўрсатилган шартлар мавжуд бўлганда, суд томонидан тайинланган жазонинг ижро этилиши мумкин бўлмайди”.*

Умумий қоидага кўра, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин суд томонидан тайинланган жазо ижро этилади. Айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра, жазо қонунда белгиланган муддатда ижро этилмай қолиши мумкин. Агар жиноий жазо ўз вақтида ижро этилмаса, у аста-секин ўзининг тарбиялаш ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини йўқотиб боради. Жазонинг белгиланган муддатда ижро этилмай қолишининг сабаблари турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, маҳкумнинг оғир касал бўлиб қолиши, табиий офат, ер қимирлаши, сел босиши, ёнғин туфайли ҳужжатларнинг нобуд бўлиши, ҳужжатларни йўқотиб қўйиш, айрим хизматчиларнинг ўз хизмат вазифасига лоқайдлик билан муносабатда бўлиши ва ҳоказолар.

Жазонинг муқаррарлиги жиноят-ҳуқуқий доктринанинг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда жазони тайинлаш ва ижро этишнинг мақсадга мувофиқлиги биринчи даражали аҳамият касб этади. Айблов ҳукми озми-кўпми давомли муддат мобайнида ижро этилмаслиги натижасида бундай ҳукмни ижро этишнинг мақсадга мувофиқлиги йўқолади, чунки бундай ҳолларда жазони қўллаш ақлга мувофиқ бўлмаган ўч олишга айланади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида айблов ҳукмини ижро этиш муддатлари белгилаб қўйилади.

Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш тўғрисидаги меъёрларни қўллаш асосларининг таҳлили баъзи бир олимларнинг жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганида қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўзгармайди, деган фикрига қўшилиш имконини беради. Ҳамонки шахс қайси қилмиш учун ҳукм қилинган бўлса, шу қилмиш декриминализация қилинмаган экан, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси пасаймайди. У шароит ўзгарган тақдирда ўзгариши мумкин. Айни шу сабабли шароит ўзгарганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асосий шартлари орасида қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги йўқолганлигини суриштирувчилар ва терговчилар биринчи ўринга қўя-

дилар. Айни пайтда жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш институтининг замирида муайян муддатнинг ўтиб кетганлиги эмас, балки ушбу ҳодиса айбдор шахсга ижобий таъсир кўрсатганлиги ётади.

**Қонунга кўра айблов ҳукми, агарда у қонуний кучга кирган кундан бошлаб қуйидаги муҳлатларда ижро қилинмаган бўлса, кейин ижро қилинмайди:**

- 1) жабрланувчининг шикоятини билан қўзғатилган иш бўйича ҳукм қилинганда – олти ой;
- 2) ахлоқ тузатиш ишига ёки интизомий батальонга ёки тарбия-меҳнат профилактика торийсига юборилган кўра оғирроқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда – бир йил;
- 3) икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга, сурғун ёки бадарға қилишга ҳукм қилинганда – уч йил;
- 4) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – беш йил;
- 5) беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилишдан кўра оғирроқ жазога ҳукм қилинганда – ўн йил.

Агарда судланган шахс жазони ўташдан бош тортса ёки жазони ўташгача суд томонидан бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, уч йилдан кам бўлмаган муддатга сурғун ёки бадарға қилиш каби жазо тайинланган янги жиноят қилгани тақдирда ҳукмни ижро этиш муҳлатларининг ўтиши узилади. Янги жиноят қилинган тақдирда муҳлатни ҳисоблаш уни содир қилган кундан бошланади, жазони ўташдан бош тортганда эса, жазони ўташ учун ўзи келган вақтдан ёки қочиб юрган маҳкумнинг ушланган вақтидан бошланади. Шунинг билан бирга, айблов ҳукми чиқарилган вақтдан бошлаб ўн беш йил ўтган бўлса ва ҳукмни ижро этиш муҳлати янги жиноят содир қилиниши билан узилган бўлмаса, бу ҳукм кейин ижро қилинмайди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан бу муҳлатларни қўллаш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилади. Агарда суд муҳлатни қўллаш мумкин эмас деб топса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади.

Бизнингча, жазони ўташдан бўйин товлаш деганда, маҳкумнинг у жазони ўташни амалда тўхтатганидан далолат берувчи хулқ-атворини тушуниш ўринли бўлади. Айни пайтда, шахсни Ўзбекистон Республикаси ЖПК нуқтаи назаридан ашаддий бўйин товловчи сифатида тавсифловчи белгиларнинг айримлари уни Ўзбекистон Республикаси ЖКга мувофиқ бўйин товловчи деб топиш имкониятини ҳам беради. Бундай белгиларга маҳкум қочиб яширинган ва унинг қаердалиги аниқланмаган ёки жазони ўташдан бўйин товлаш учун бошқа чораларни кўрган (масалан, мансабдор шахсга пора берган) ҳолларни киритиш мумкин. Ушбу ҳолатлар маҳкумнинг хулқ-атворига Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган жазоларнинг аксариятини ўташдан бўйин товлаш сифатида ёндашиш имкониятини беради. Айни пайтда жазони ўташдан бўйин товлашнинг маҳкумга тайинланган жазо турига боғлиқ бўлган алоҳида усуллари ҳам мавжуд.

Масалан, жарима тўлашдан бўйин товлашга маҳкум қурби етишига қарамай ҳукмда кўрсатилган пулни тўламаган ҳолларни киритиш мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган шахс суднинг ҳукмини бузиши ва ўзи учун тақиқланган мансабни, айтилик, бошқа фамилияга расмийлаштирилган (берилган) меҳнат дафтарчаси ёки бошқа хил ҳужжат асосида эгаллаши ёинки ўзи учун тақиқланган фаолият билан шунга ўхшаш ҳужжатлар ёрдамида шуғулланиши ёки бўлма-са, тақиққа қарамай, транспорт воситасини бошқаришни давом эттириши мумкин.

Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазолар (қамок, озодликдан маҳрум қилиш)га ҳукм қилинган шахснинг жазони ижро этиш жойидан қочиши ҳам тайинланган жазони ўташдан бўйин товлаш ҳисобланади. Бироқ, қамокда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахснинг қамокдан ёки кўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 222-моддасида назарда тутилган жиноят ҳисобланади.

Амалда қўшимча жазолардан бўйин товлаш имконияти ҳам мавжуд. Масалан, мол-мулкни мусодара қилиш тайинланганда, мулкни рўйхатга олишдан яшириш жазони ўташдан бўйин товлаш деб топилиши лозим. Бироқ, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилишни ўташдан бўйин товлаш амалда мумкин эмас, чунки суд ҳукмининг кўрсатмалари тегишли органлар ва



мансабдор шахслар томонидан ижро этилади. Бизнингча, маҳкум тегишли ҳарбий ёки махсус унвон олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнигина улар йўқолганини ва жазони ўташдан бўйин товлаш сифатида қаралиши мумкин эмас.

Амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган жазо турларига мувофиқ биринчи гуруҳ фақат битта жазо – ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилишдан таркиб топади. Бошқа турдаги жазоларни ижро этиш ёки ўташдан эса маҳкум бўйин товлаши мумкин.

Маҳкумнинг аҳволини яхшиловчи чораларнинг қўлланиши унинг ижобий хулқ-атвори билан у ёки бу даражада боғланади. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш тўғрисидаги норма ҳам бундан мустасно эмас, чунки у ижтимоий хавфлилик даражаси жиноят содир этилган пайтдагига қараганда пасайган шахсларга нисбатан амал қилади. Жазони ўташдан бўйин товламаётган маҳкумнинг хулқ-атвори шундай хулосага келиш имконини берувчи асослардан бири ҳисобланади. Акс ҳолда мазкур шахс ижтимоий хавфли эмас, деган фикр нотўғри, унга жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш тўғрисидаги меъёرنинг қўлланилиши эса асоссиз бўлади.

Шаклланган амалиётга мувофиқ айблов ҳукмини ижро этиш муддатлари ўтиб кетган шахслар судланмаган деб ҳисобланадилар. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, бироқ уни жазони ижро этиш муассасаларида амалда ўтамаган шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 69-моддасига мувофиқ айблов ҳукмини ижро этишнинг қонунда белгиланган муддатлари ўтиб кетган ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони илгари ўтаган деб қаралмайди.

**Раҳматжон АЛИЯРОВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

# ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқаролик ҳуқуқи объектлари масаласининг илмий-назарий таҳлили ҳамда уни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** мол-мулк, кўчмас мулк, кўчар мулк, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъекти, номоддий неъматлар, тизимлилик, шахсий номулкий ҳуқуқлар, легализация

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддасига кўра “Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас ва кўчар мулкка бўлинади.” Бундан ташқари “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” 17-моддасининг 1-қисмида ҳар бир инсон яқка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Шундай экан ҳар бир жамиятнинг асосий вазифаларидан бири фуқаролик ҳуқуқи объектларини самарали ва ишончли ҳимоя қилиш ҳисобланади.**

Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради.

Қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин. Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари деб фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йўналтирилган турли хил моддий ва номоддий неъматлар ёки уларни яратиш бўйича муайян фаолият тушунилади. Улар моддий ва номоддий кўринишда таркибий қисмларга ажратилади.

Биринчи гуруҳга нарсалар, ишлар ва хизматлар, шунингдек уларнинг моддий шаклга эга бўлган ёки моддий таъсир яратадиган натижаси киритилади. Яъни, мазкур ҳолатда нафақат нарса моддий, балки нарсаларни яратиш фаолияти ҳам бўлиши мумкин.

Иккинчи гуруҳ номоддий неъматлар — маҳсулотни индивидуаллаштириш усуллари, шахсий номулкий неъматлар ва ижодий фаолият натижаларини ўз ичига олади. Уларнинг иккаласи ҳам товарнинг иқтисодий шаклини олишлари мумкин (шахсий номулкий ҳуқуқлар бундан мустасно).

Юқорида қайд этилган тушунчаларга қонунга мувофиқ фуқаролик ҳуқуқи объектлари сифати-

да қаралиши лозим. Назариётчилар ўртасида икки тушунчани – “фуқаролик ҳуқуқи объектлари” ва “фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари объектлари”ни фарқлаш доирасида бир қанча баҳслар мавжуд.

Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари фақат фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидаги хатти-ҳаракатларининг предмети бўлган нарсалар ва маълум неъматлар (ҳам моддий, ҳам номоддий) бўлиши мумкин. Бундай категориялар нафақат ҳуқуқ объекти, балки ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини ташкил этувчи мажбуриятлар объекти ҳамдир. Бундан келиб чиқадиги, фуқаролик ҳуқуқлари объекти тушунчаси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти тушунчаси билан бир хил ҳисобланади. Аслида, муносабатлар иштирокчиларининг ҳулосасини улар амалга ошириладиган объектлардан ажратиб бўлмайди. Бунинг учун маълум бир фуқаролик-ҳуқуқий режим мавжуд. Фуқаролик ҳуқуқи объектларининг ушбу режимини тавсифлаш учун муомалага лаёқатлилик тушунчаси қўлланади. Айирбошлаш қобиляти - бу объектнинг битимлар (мулк айланмасида) ёки мулкдорни ўзгартиришга қаратилган бошқа ҳаракатлар предмети бўлиб хизмат қилиш қобиляти сифатида вужудга келади. Ушбу моддада фуқаролик ҳуқуқи объектлари, агар улар муомалада бўлмаган бўлса, умуминсоний ворислик тартибида ёки бошқа тарзда эркин бегоналаштирилиши ёки бир шахсдан бошқа шахсга ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Муомаладаги эркин фуқаролик ҳуқуқи объектлари ҳам умуминсоний ворислик тартибида, ҳам бошқа йўл билан бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, бундай бегоналаштириш одатда ҳуқуқларни ўтказиш билан боғлиқ бўлиши мумкин: эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш. Муомалада бўлиши чекланган фуқаролик ҳуқуқи объектлари умумий қоидага кўра, у ёки бу объектни сотиш, бегоналаштириш ва ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус руҳсатномага эга бўлган тақдирдагина муайян шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Масалан, бундай тоифага қурол, портловчи моддалар, порох ва бошқалар кирди. Шу жумладан, охириги гуруҳ – ҳолати эркин

муомалада бўлиши тақиқланган объектлар, яъни муомаладан чиқарилган объектлардир. Бу шундай объектлар ҳисобланадики, уларни бир шахсдан бошқасига ўтказиш қонун билан бево-сита тақиқланади. Бироқ, Фуқаролик кодекси-да бундай объектларнинг аниқ рўйхати мавжуд эмас. Бундай объектларнинг эгаси давлат бўлиб, тегишли равишда бундай объектлар билан ўтиш ва бошқа тартиб-қоидалар одатдаги тартибда амалга оширилмайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳол-да, шуни таъкидлашимиз лозимки, фуқаролик ҳуқуқи объектлари бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, улар орасида ҳамма учун умумий ва ҳар бир объект учун индивидуал хусусиятлар мав-жуд. Бундай белгилар товарга фуқаролик ҳуқуқи объекти мақоми берилиши учун зарурдир.

Биринчидан, фуқаролик ҳуқуқи объектлари-нинг мажбурий белгиси сифатида тизимлилик тушунчасига тўхталиб ўтамиз. Тизимлилик де-ганда ўзаро алмашиш қобилиятига эга бўлган объектларнинг тизимли ташкил этилиши ва ўзаро боғлиқлиги тушунилади. Бунда фуқаро-лик ҳуқуқи объектлари хусусий ҳуқуқ туркуми-га кирувчи маълум бир ғояни ташкил этиб, тан олинган ёки рухсат этилган мулкӣ ва номулкӣ неъматлар тизими ҳисобланади.

Иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқи объектлари-нинг белгиси сифатида муайян ҳуқуқ субъектла-рига тегишлилигини ажратиш кўрсатиш мумкин. Мазкур фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатда икки тоифа мавжуд: тегишлилиги аниқланиши мум-кин бўлган товарлар ва аксинча.

Биринчи гуруҳга, масалан, мулк ҳуқуқи ёки бошқа реал ҳуқуқдаги субъектларга тегишли нарсаларни киритиш мумкин. Шунингдек, шах-сий номулкӣ ҳуқуқлар шахсга “туғилганидан ёки қонун билан” берилади.

Иккинчи гуруҳ қонуннинг махсус номига эга бўлмаган объектлардан иборат. Бу тоифага нақд пулсиз маблағлар, қимматли қоғозлар мансуб ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг барча объектлари учун умумий хусусият уларни фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қонуний равишда белгилашнинг норматив кафолатланган имконияти деб қарали-ши керак.

Фуқаролик ҳуқуқи объектларининг белгила-рига қонунийлаштириш (легализация) киради. Объектни қонунийлаштириш - бу объектнинг қо-нунга мувофиқлигини тасдиқлаш ҳисобланади. Қонунийлаштириш одатда икки кўринишда на-моён бўлади - ёрдамчи ва ижобий. Ижобий легал-лаштиришга келсак, бу қонунда тўғридан-тўғри фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида кўрсатил-ган қонунийлаштириш деб қаралиши лозим. Қонунийлаштириш белгиси жуда муҳим бўлиб, қонунда объектлар рўйхатини белгиламасдан,



уларни ҳуқуқӣ тартибга солиш мураккаб жара-ёнга айланади. Умуман қонунийлаштириш имко-нининг йўқлиги бу объектнинг фуқаролик ҳуқуқи объекти эмаслигини англатади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари бир-бири билан ҳуқуқӣ муносабатларга киришадиган муносабат асоси фуқаролик ҳуқуқлари объектлари ҳисобланади. Бундай объектлар рўйхати Ўзбекистон Респуб-ликаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасида келтирилган. Фуқаролик кодекси фуқаролик ҳуқуқи объектларини хусусиятларига кўра маъ-лум гуруҳларга ажратади. Бундай бўлинишнинг мақсади, муайян объектларнинг хусусиятларини акс эттириши мумкин бўлган махсус режимлар-ни жорий этишдан иборат. Фуқаролик ҳуқуқи-нинг барча объектларини бирлаштирувчи асосий шарт шундаки, уларнинг барчаси одамларнинг муайян эҳтиёжларини қондириш қобилиятига эга. Шунингдек, уларнинг жамият томонидан мавжудлиги ва ривожланишини таъкидлаш ке-рак. Фуқаролик ҳуқуқининг бундай объектла-рига кундалик ҳаётда ҳар куни дуч келишимиз аён бўлади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Фуқаролик кодексининг ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқӣ ҳужжатлар-нинг қабул қилиниши фуқаролик ҳуқуқи объект-лари соҳасида мамлакатда муайян қонунлар ти-зимини яратади. Бироқ, бизнинг фикримизча бу борадаги тадқиқотлар, айниқса, давлатимизда содир бўлаётган ўзгаришлар нуқтаи назаридан юқорироқ тадқиқот даражасида бўлиши керак.

**Абдумунин ТУРСУНОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-й., 2-сонга илова.
2. <https://lex.uz/docs/111189#152412>
3. <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Холмўмин Ёдгоров, Баҳром Тангабаев, Баходир Саидмуратов. Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи. (Амалий қўлланма) Toshkent–2017.
5. Яковлев В.Ф. Гражданское право // Российская академия го-сударственной службы при Президенте Российской Федерации. - М.: РАГС, 2005.
6. Гомола А.И. Гражданское право : учебник для студ. учрежде-ний сред. проф. образования / А.И. Гомола— 11-е изд., перераб.— М. : Изд. Академия, 2014.

## ИШЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТААЛУҚЛИЛИК МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**Жорий йилнинг 26 апрель куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Жиноят процессуал, Жиноят-ижроия, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Жумладан, қонуннинг 4-моддаси билан Фуқаролик процессуал кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

*- 27-моддасига кўра ўзаро боғлиқ бўлган, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.*

Кодекс 31<sup>1</sup>-модда, яъни иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича суддан бошқа судга ўтказиш деб номланган модда билан тўлдирилди.

Унга кўра:

*“Талаб фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда тақдим этилган тақдирда, даъво аризаси (ариза) тааллуқлилигига кўра иқтисодий ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказилади.*

*Агар ишни кўриб чиқиш жараёнида даъво аризаси (ариза) судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги аниқланса, фуқаролик ишлари бўйича суд иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра иқтисодий ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва фуқаролик суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.*

*Даъво аризасини (аризани), иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича суд ажрими устидан хусусий шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.*

*Фуқаролик ишлари бўйича суддан тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказилган даъво аризаси (ариза), иш материаллари ўзига ўтказилган суд томонидан қабул қилиб олинishi керак.*

*Ўзбекистон Республикасида судлар ўртасида судга тааллуқлилиқ тўғрисидаги низоларга йўл қўйилмайди”.*

Шунингдек, иқтисодий ёки маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган суд учун иқтисодий ёки маъмурий суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги масалалар бўйича мажбурийлиги, иш фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаса ФПК 124-моддаси 1-қисмига асосан иш юритишдан тугатилиши ёки 194-моддаси 1-қисмига асосан даъво ариза (ариза)ни қабул қилиш рад этилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди.

Қонун билан апелляция ва кассация инстанциялари ваколатлари бўйича ҳам бир қатор ўзгартишлар киритилди, яъни прокурор иштирокисиз кўриб чиқилган иш бўйича апелляция протестига тарафнинг мазкур протестни келтириш учун асос бўлиб хизмат қилган мурожаатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши, агар иш судга тааллуқлилиқ тўғрисидаги қоидалар бузилган ҳолда кўриб чиқилган бўлса, апелляция инстанцияси ҳал қилув қарори ёки ажримни бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли эканлиги, агар кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинганидан

кейин кассация шикояти (протести) нинг имзоланмаганлиги ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги аниқланса, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдирилиши, агар иш судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда кўрилган бўлса, ҳал қилув қарорини, ажримни бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Ушбу қонун билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар кучга кириши биланоқ амалиётга жорий этилди:

масалан, даъвогар Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси жавобгар Дилшод Чориевга (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани буздирриш ва ер майдонини аввалги ҳолатига қайтариш мажбуриятини юклашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг 2023 йил 8 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра жавобгар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонида жойлашган қурилмани жавобгар ҳисобидан буздирриш ва ер майдонини яроқли ҳолатга келтириш мажбурияти юкланган.

Ҳал қилув қарори жавобгар томонидан берилган апелляция шикоятига асосан иш ҳужжатлари асосида кўриб чиқилиб, ФПК 31<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисмига асосан агар ишни кўриб чиқиш жараёнида даъво аризаси (ариза) судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги аниқланса, фуқаролик ишлари бўйича суд иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра иқтисодий судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва фуқаролик суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши, ФПК 399-моддаси 1-қисмининг 5-бандига мувофиқ, суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, агар иш судга тааллуқлилиқ тўғрисидаги қоидалар бузилган ҳолда кўриб чиқилган бўлса, ўз ажрими билан ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли эканлиги каби қонун талабларига биринчи инстанция суди томонидан эътибор берилмасдан иш юзасидан барвақт хулосага келинганлиги, яъни жавобгар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлиги инобатга олиниб, биринчи инстанция судининг қилув қарори бекор қилиниб, фуқаролик суд ишини юритиш тугатилган ва иш материаллари судга тааллуқлилигига кўра Тошкент туманлараро иқтисодий судига мазмунан кўриш учун юборилган.

Бу каби ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

**Алишер НАМЗОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## МЕРОСНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ НИМА?

Миллий ҳуқуқий адабиётларда “меросни расмийлаштириш” тушунчаси учрамайди. Миллий қонунчиликда ва цивилист олимларимиз асарларида мерос гувоҳномасини расмийлаштириш тушунчасига атрофлича тўхталиб ўтилган.

Фикримизча, меросни расмийлаштириш ва мерос гувоҳномасини расмийлаштириш икки хил тушунча бўлиб меросни расмийлаштириш мерос гувоҳномасини расмийлаштиришдан кенгроқ тушунчадир.

Маълумки, меросни расмийлаштириш учун васиятнома ёки қонун бўйича ворислик ҳақида нотариал тасдиқланган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома ёки суднинг ҳал қилув қарори асос бўлиб хизмат қилади.

Мерос гувоҳномасини расмийлаштириш нотариуслар томонидан, хориждаги фуқароларимиз учун эса консуллар томонидан амалга ошириладиган жараёндир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, судлар томонидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш амалга оширилмайди. Нотариуслар меросхўрлар ўртасида низо бўлмаган, меросхўрлар доираси тўлиқ ва тугал бўлган, меросхўрлар ўртасида меросни қабул қилиш ёки воз кечиш, меросни тақсимлаш юзасидан норозилик бўлмаганда марҳумдан қолган мулкка қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда мерос гувоҳномасини расмийлаштирадиганлар. Нотариуслар томонидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириб бериш меросни расмийлаштиришнинг бир қисми ёки элементи сифатида кўрилади.

Васиятнома бўйича меросни расмийлаштириш нотариуслар томонидан амалга оширилади, судлар томонидан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар кўриб чиқилади. Агар васиятнома ҳақиқий эмас деб топилса, меросхўрлар ўртасида низо бўлмаганда нотариус томонидан мерос расмийлаштирилади.

Қонун бўйича меросни расмийлаштириш нотариуслар томонидан, меросхўрлар ўртасида низо бўлганда судлар томонидан бошланадиган, кўриб чиқиладиган, амалга ошириладиган жараёндир. Шуни назарда тутиш керакки, суд томонидан мерос масаласида қабул қилинган ҳал қилув қарори меросни расмийлаштириш учун асос ҳисобланади, яъни нотариусга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этиш шарт эмас ва бундай ҳолда нотариус томонидан мерос гувоҳномасини берилмайди ҳам.

Шундай қилиб, меросни расмийлаштириш васият ёки қонун бўйича ворислик асосида меросни қабул қилиш, эгаллаш, тақсимлаб олиш, воз кечиш ва мероснинг ҳуқуқий тақдирини белгиладиган бошқа муносабатлар, жараёнлар, тартиб-таомиллар билан боғлиқ ҳуқуқий шаклдир, деб таъриф берсак мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, жараён сифатида меросни расмийлаштириш тушунчаси бу — меросхўрларнинг вафот этган шахснинг мулкига бўлган ҳуқуқларини ҳужжатли тасдиқлашига олиб келадиган босқич бўлиб, бу жараён васият қилувчи вафотидан сўнг бошланади ва мулкнинг янги эгасига ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома бериш ёки мерос мулкига ҳуқуқни суд қарори асосида белгилаш билан тугайди.

**Жамшид ПАРДАЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Фарзандликка олишдан асосий мақсад у ёки бу сабабга кўра ўз ота-онаси бағрида ўсиш имкониятига эга бўлмаган вояга етмаган болаларни оила муҳитида тарбиялаш имконини берса, бошқа томондан фарзандликка олувчиларга ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олиш Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, “Васийлик ва Ҳомийлик тўғрисидаги” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган қонунлар билан тартибга солинади.

Мазкур қонун ҳужжатларини ўрганиш натижасида бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва камчиликлар мавжудлиги кўринади.

Хусусан, Оила кодексининг 152-моддасида вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, мазкур талаблар фарзандликка олинувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла даражада ҳимоя қила олмайди. Бошқача айтганда, фарзандликка олувчи шахсларга қўйиладиган талаблар қайта кўриб чиқилиши керак. Бунда фарзандликка олувчиларнинг ёшида чегара белгиланмаган, бу ҳолат меҳнатга лаёқатсиз, нафақа ёшидаги фуқароларнинг фарзандликка олиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши ва суд томонидан амалиётда аризаларнинг рад қилиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Ҳақиқатдан ҳам меҳнатга лаёқатсиз 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар фарзандликка олувчи бўлиб, кичик ёшдаги болани фарзандликка олиб, уни ўстириб улғайтириш, тарбиялаш, таъминот беришда жисмоний ва моддий жиҳатдан қийналиши мумкинлигига эътибор қаратиш лозим. Қонунчиликда фарзандликка олишга номзодлар учун белгиланган ёшнинг энг кичик даражаси ва энг юқори даражасини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу борадаги хорижий тажриба ўрганилганда АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Хитой ва Исроил давлатларида фарзандликка олувчиларга нисбатан ёш чегараси белгиланганлигини кўриш мумкин.

**Дамира АЛМОСОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ОБЗОР ОРГАНИЗАЦИОННО-ИНФОРМАЦИОННОГО И МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАРЛАМЕНТОВ КАЗАХСТАНА И ГРУЗИИ

*В данной части нашего исследования нами предпринята попытка проведения анализа аппаратов парламентов таких стран, как Казахстан и Грузия, что обусловлено, тем, что одна является одним из ближайших соседей по региону, а вторая – одна из быстро развивающихся в последнее время стран, ранее входивших в состав бывшего СССР и поэтому, на наш взгляд, эти страны, имели в недавнем прошлом схожие “стартовые” ресурсы для формирования демократического парламентского института. На их примере возможно проследить тенденцию развития внутрипарламентских институтов, исходя из того, что эти страны, как и Узбекистан имели в прошлом общую историю функционирования высших государственных органов в рамках единой страны (СССР).*

В Казахстане, как и в Узбекистане, несмотря на унитарное устройство государства, функционирует бикамеральная (двухпалатная) система Парламента, состоящая из нижней палаты – Мажилиса и верхней – Сената.

Для осуществления организационного, правового, информационно-аналитического и иного обеспечения деятельности Мажилиса Парламента Республики Казахстан, а также совместного заседания Палат Парламента учреждается Аппарат Мажилиса Парламента Республики Казахстан, структура и штатная численность, порядок формирования которого осуществляет Бюро Мажилиса в пределах бюджетных средств, выделенных на финансирование деятельности Парламента.

Общее руководство деятельностью Аппарата Мажилиса Парламента осуществляет Председатель Палаты. Непосредственно возглавляет и организует работу Руководитель Аппарата, который утверждается на должность, освобождается от должности и подотчетен Бюро Мажилиса Парламента. Во главе Аппарата Мажилиса и его структурных подразделений стояли и стоят высококвалифицированные руководители, имеющие солидный стаж государственной службы и большой опыт практической работы. Непосредственным обеспечением деятельности депутатов по реализации их законодательных полномочий занимаются отделы по обеспечению деятельности постоянных комитетов Мажилиса. На них также возложены обязанности по участию в подготовке проектов заключений комитетов Мажилиса по рассматриваемым в Палате законопроектам, обобщение поступивших предложений и замечаний к проектам нормативных актов. В 2002 году в целях создания оптимальных условий для законотворческой деятельности депутатов Мажилиса был введен институт помощников депутатов. В настоящее время данная категория государственных служащих

Аппарата, находясь в составе отделов по обеспечению деятельности комитетов, вносит свою посильную лепту в улучшение качества принимаемых Парламентом законов. Секретариат Председателя Мажилиса Парламента осуществляет организационное, информационное и правовое обеспечение деятельности Председателя Мажилиса Парламента Республики Казахстан и его заместителей. Отдел законодательства обеспечивает правовую экспертизу проектов нормативных актов, а также поправок, вносимых депутатами и комитетами в проекты законов. Отдел организационно-контрольной и кадровой работы осуществляет организационно-протокольное сопровождение совместных заседаний Палат Парламента, пленарных заседаний Мажилиса, заседаний Бюро, согласительных, временных комиссий, парламентских слушаний, правительственных часов, а также кадровую работу с депутатами и сотрудниками Аппарата, консультирует их по вопросам государственной службы. Информационно-аналитический отдел Аппарата Мажилиса ведет работу по подготовке информационно-справочных материалов, аналитических справок к законопроектам, находящимся на рассмотрении в Мажилисе, предоставляет информацию в целях реализации депутатами права законодательной инициативы, осуществляет библиотечно-библиографическое обеспечение депутатов Парламента. Отдел редактирования и перевода обеспечивает редактирование законопроектов на государственном языке, перевод предложений и замечаний депутатов к рассматриваемым законопроектам на казахский язык, а также синхронный перевод пленарных заседаний Парламента, Мажилиса, Бюро Палаты, рабочих органов Мажилиса. Отдел документационного обеспечения организует ведение единой системы делопроизводства, осуществляет прием, регистрацию, учет, доставку и отправку служебных документов, проводит работу по

обеспечению депутатов Мажилиса текстами законопроектов и иных документов, поступивших на рассмотрение в Мажилис. Пресс-служба Мажилиса Парламента Республики Казахстан осуществляет информационное освещение законотворческой и представительской деятельности депутатов в средствах массовой информации, организует пресс-конференции и интервью в печатных и электронных СМИ. Отдел международных связей и Протокола обеспечивает взаимодействие депутатов Мажилиса с парламентами иностранных государств, международными и межпарламентскими организациями.

Аппарат Сената Парламента Казахстана, являющийся, согласно п. 1 Положения об Аппарате Сената Парламента Республики Казахстан, государственным учреждением, осуществляет организационное, правовое, информационно-аналитическое, документационное и иное обеспечение деятельности Сената Парламента Республики Казахстан.

Руководит деятельностью Аппарата Сената Парламента Казахстана, как и в нижней палате, назначаемый на должность и освобождаемый от должности Председателем Сената и работающий под его непосредственным руководством Руководитель Аппарата, который организует и руководит деятельностью Аппарата на основе единоначалия, несет персональную ответственность за выполнение возложенных на Аппарат задач и осуществление им своих функций.

Сведения о грузинском Аппарате Парламента в ходе нашего исследования нами были найдены в Регламенте Парламента Грузии, из которого, мы узнаем, что общее руководство деятельностью Аппарата Парламента, утверждение положения об Аппарате Парламента, его структуры и штатного расписания, определение размера должностных окладов, порядка определения надбавок к заработной плате и денежного вознаграждения, назначение на должность и освобождение от должности начальника аппарата Парламента, заместителя начальника аппарата Парламента, руководителей департаментов и службы мандатуры аппарата Парламента относится к полномочиям председателя Парламента Грузии.

Также из Регламента мы узнаем, что, наряду с общим Аппаратом всего Парламента, в грузинском Парламенте также имеется Аппарат комитета Парламента, поскольку у Председателя Комитета имеется полномочие по осуществлению общего руководства аппаратом комитета, а также функционирует аппарат фракции, об определении Фонда заработной платы которого пропорционально представительству фракции, идет речь в ст. 54 Регламента.

Аппарат Парламента осуществляет правовое, организационное, аналитическое, доку-



ментальное, информационное, финансовое и материально-техническое обеспечение деятельности Парламента.

К полномочиям Аппарата Парламента относятся также управление бюджетом Парламента в пределах своей компетенции и представительство Парламента в экономических, трудовых, правовых и других отношениях, осуществление его прав и исполнение обязанностей.

В состав Аппарата Парламента в виде структурных единиц входят департаменты, служба мандатуры, кабинет Председателя Парламента, аппараты комитетов Парламента, аппараты парламентских фракций, секретариаты первого заместителя и заместителей Председателя Парламента, секретариаты советов и государственных комиссий, бюджетный офис Парламента.

Аппарат комитета Парламента является постоянно действующей структурной единицей аппарата Парламента, подведомственной комитету, созданной для обеспечения деятельности комитета.

Анализ норм Регламента Парламента Грузии о назначении на должности и освобождении от нее ответственных работников Аппарат Парламента, таких как, начальники департаментов, службы мандатуры и кабинета Председателя Парламента, устанавливающих регулирование этих вопросов Законом Грузии "О публичной службе", позволяет сделать вывод, что основная часть работников Аппарата грузинского Парламента входят в категорию государственных служащих.

**Дониёр АБДУКАДЫРОВ,**

*к.ю.н., самостоятельный соискатель кафедры "Конституционное право" ТГЮУ.*

## ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОЗМОЖНОСТЕЙ СУДЕБНОЙ КОМПЬЮТЕРНО-ТЕХНИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ КИБЕРМОШЕННИЧЕСТВА

